



XASR


IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 28-iyul, PAYSHANBA, 30 (662)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz



O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

Инсон ва табиат ўрта-сидаги мувозанатни сақлаш, ер ости ва ер усти ресурсларидан оқилона фойдаланишни кенг тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган, десак асло муболага бўлмайди. Айниқса, кейинги йилларда сайёрамизда биологик хилма-хилликни асраш, унинг таркибий қисми ҳисобланган яшил ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ундаги ўзгаришлар иқлимга, тупроқ, сув, ҳайвонот оламига ва биосферанинг бошқа элементларига катта таъсир кўрсатади.



Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш инсоний бурчимиздир

Бу борада O'zLiDeP фракциясининг нуқтаи назари бошқалардан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг датлабки йиллариданоқ мазкур муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилиб, энг аввало соҳанинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланмоқда. Хусусан, 1997 йилда "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган бўлиб, у кучга киргандан буён орадан қарийб 20 йил вақт ўтди. Замон шиддати ва тараққиётнинг жаддаллашуви туфайли ҳозирда унинг айрим нормалари давр талабларига жавоб бермаяпти. Яъни мазкур қонун кейинги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини, шунингдек,

ушбу соҳада тўпланган амалий тажрибани ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Бу эса қонунни қўллаш самарадорлиги пайсайишига сабаб бўлаётган такрорлар ва зиддиятли ҳолатларини бартараф этиш, қонунчиликнинг ҳозирги кундаги ривожланишини ва халқаро шартномаларнинг низомларини инобатга олган ҳолда унга тегишли қоида ва нормаларни киритишни талаб этмоқда. Шу боис қонун нормаларини тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштиришни таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза

қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда. Айни пайтда мазкур қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан фракциялараро мунозаралар давом этмоқда. Албатта ҳар бир фракция аъзолари партиянинг Сайловолди платформасидаги вазифаларидан ҳамда ўзларининг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқмоқдалар.

Давоми 3-саҳифада >>

Эзгулик манзиллари

Шу кунларда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ўзодлик нафасидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" ва "Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли китоблари мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган тadbирлар қизгин давом этмоқда.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатда ҳажман кичик, лекин чуқур мазмунга эга бўлган ушбу китоблар хусусида сўз юритилди. Tadbирга таклиф этилган олимлар, депутатлар

ва партия фаоллари томонидан таъкидлаганидек, ушбу рисолаларда нафақат Сурхон ва Қашқа воҳалари, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва озоишталликни, обод ва фаровон ҳаётни янада мустаҳкамлаш ва қадрига етиш мақсадида олиб

борилаётган кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ва долзарб масалалар бўйича фикр юритилди.

Давоми 2-саҳифада >>

Йиллар ва тақдирлар

қўҳна ва ҳамиша навқирон Хоразм воҳасининг истиқболлини белгиламоқда

Истиқлол йилларида бутун мамлакатимизда бўлганидек, Хоразм вилоятида ҳам иқтисодиёт юксак поғонага, аграр шўьба янги босқичга, сервис соҳаси талаб даражасига кўтарилди. Воҳа гуллаб-яшнаётган ҳудудга айланди.

Муҳтарам Юрбошимиз Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2012 йилнинг октябрида Урганча бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида "... аввало, бу воҳа бошқа ҳеч қайси ҳудуд билан қўслаб бўлмайдиган табиати, саховатли тупроғи, қўҳна тарихи ва бой маданияти, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бердош бериб, она юртинг садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши биладиган, мурд ва матонатли одамлар" замини эканлиги алоҳида таъкидлаган эдилар. Шоир тавсиф этганидек, сўлим воҳанинг тупроғи тилло-

дан ҳам сара эканлиги ўша кунги Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги даласида, асрий гужумлар соясида давом эттирилган самимий мулоқотда қайта-қайта тилга олинди. Томчида қуёш акс этганидек, ер, мулк эгаси наинки ўзи ва оиласини, балки бутун эл-юртини, озод, обод Ватанинг бугунги ва эртанги кунини, келгуси миннатдор авлодни ўйлаётгани пешқадам қишлоқ мулкдори Ҳ.Жуманиёзов фаолиятида яққол кўзга ташланади. Айнан ана шу мулкдор даласига туташ мавзеда барча коммуникация тармоқларига, ҳавас қилса арзийдиган қўлайликларга эга янги асрга ҳос

қишлоқ шаҳарчаси қад тиклагани олтин узукка қўндирилган ёқут қош бўлди. Бугун озод ва обод юртимизнинг барча азиз гўшаларида бўлганидек, "Авесто"дек муқаддас битик ёзилган, Хоразмий, Беруний, Замашарий, Боқиргоний, Рабғузий, Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис, Оғаҳийдек улуғларнинг киндик қони томган қадимий ва навқирон Хоразмда ҳам ўсиш-ўзгартиш, яшнаш-яшариш нафаси уфруиб турибди. Буни Урганчдан бошлаб, энг чекка қишлоқларнинг бугунги бетакрор жамолида ҳам юрак-юракдан ҳис қиласиз.

Давоми 6-саҳифада >>

ПАРЛАМЕНТДА

Фракциядаги муҳокамалар моҳияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим бўлган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Фракция аъзолари ўз ишларини янги таҳрирдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар.

Таъкидлаганидек, ушбу қонун лойиҳасининг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳозирги даврга қадар қо-

нунчилик даражасида тўлиқ равишда тартибга солинмаган ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ҳамда ундан фойдаланишни ташкил этиш механизмларини янада мустаҳкамлайди. Бинобарин, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг бузилиш ҳолатлари кенг тарқалган бўлиб, мамлакатимизда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида-

ги ҳуқуқбузарликлар жами табиати муҳофаза қилишга оид қонунбузарликларнинг 40 фоизга яқинини ташкил этади.

— Маълумки, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар латентлик даражаси юқорилиги билан характерланади, — дейди парламент қуёи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева. — Мисол учун, дунё миқёсида энг кенг тарқалган экологик жиноят турларидан бири броконьерлик билан боғлиқ жиноятларнинг 65-70 фоизи аниқланмасдан қолмоқда. Амалдаги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бу каби ҳолатларни бартараф этиш, шунингдек,

Давоми 2-саҳифада >>

Уларга ҳавас қилсак арзийди

Пойтахтимизда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Ишбilarmon аёл - 2016" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди

Давоми 4-саҳифада >>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 28 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, бошқача ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўғга кийабатини қўйишда қийиматини белгилаш.	1 Австралия доллари 2214,43	1 АҚШ доллари 2964,03	1 Хитой юани 443,87	1 Польша злотийси 745,46	1 ЕВРО 3291,37
* Валюта қийиматини белгилаш чегрда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийиматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмагач.	1 Англия фунт стерлинги 3887,62	1 Миср фунти 333,79	1 Россия рубли 45,86	1 СДР 4106,52	10 Жанубий Корея вонини 26,08
	1 Дания кронаси 437,19	1 Исландия кронаси 24,24	1 Украина гривнаси 119,46	1 Туркия лираси 968,76	10 Япония йенаси 278,71
	1 БАА дирҳами 806,98	1 Канада доллари 2255,04	1 Малайзия ринггити 726,66	1 Швейцария франки 3002,16	

МУНОСАБАТ

Самарали қонун ижодкорлиги

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади

✓ Мамлакатимизда қонунлар устуворлигини таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровонлик, тўқинчилик, ҳуллас, турмушимизнинг мунавварлиги қабул қилинаётган қонунларимизнинг ҳаётий ва халқчиллиги билан бевосита боғлиқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб “Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги роли” мавзусидаги давра суҳбатига шу ҳақда сўз борди.

ментнинг фаолият йўналишини аниқ белгилаб берган эди. Қўшма йиғилишда давлатимиз раҳбари Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнининг самардорлигини ошириш, депутатларга юқлатилган назорат қилиш ваколатларидан унумли фойдаланиш, сайловчиларни ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби вазифаларни илгари сурган эди. Бундай амалий фаолият ҳеч қачон айтиш мумкин, миллий парламентимизнинг ривожда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда эътироф этилганидек, ҳуқуқни қўллаш самардорлигини ошириш ва қабул қилинаётган қонунларни кенг тарғиб этишда вазирлик, идора ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида ташкил этилган экспертлар гуруҳи аъзолари фаол қатнашяпти. Улар томонидан булунгача 300 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди, уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳасан САЛОМОВ,
“XXI asr” мухбири

Қишлоқ хўжалиги:

Ислоҳотлар изчиллиги таъминланмоқда

Тўлқин
ЗНАЗАРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси



Ҳадемай, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик муборак тўйини кенг нишонлаймиз. Орта назар ташласак, юртимизда истиқлол йилларида аграр соҳа иқтисодий барқарорлиқнинг қудратли омил сифатида белгилаб олиниб, ислоҳотларнинг биринчи босқичида қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий этиш, деҳқон ернинг, етиштирилган маҳсулотнинг тўла эгаси бўлишига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўрилган ана шундай чора-тадбирлар натижасида аграр соҳада бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлган янги тизим шаклланди. Давлатга қарашли бўлмаган сектор ривожланиб, уларда бошқарув тизими ва хўжалик юритиш услублари ўзгарди. Бир сўз билан айтганда, айни пайтдаги беқийс натижаларга мустақиллиқнинг дастлабки даврларидаёқ асос солинган.

Зеро, бугунга келиб ҳам соҳада изчиллик касб этган ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Қувонарлиси, Ўзбекистон чорак аср мобайнида иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган давлатдан тез ва барқарор суръатлар билан тараққий топаётган мамлакатга айланди. Ҳақиқат қийёси таҳлилларда акс этганидек, 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроги, сўт ва сўт маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканинг эса 50 фоизи четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи юртимизда етиштирилмоқда.

Таъкидлаш зароки, истиқлол йилларида экин майдонлари таркиби ўтган асрнинг 90-йилларидагига нисбатан тамоман ўзгарди. Ўша пайтларда асосий майдонларга чигит экилган бўлса, ҳозирги вақтда гўза парваришланадиган ерлар деярли 2 мартаба қисқартирилди, уларнинг ўрнига дон ва дуккакли, сабзавот, полиз экинлари экилиб, бог ҳамда тоқзорлар барпо этилаётди. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳолини ўзимизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотла-

ри билан таъминлаш, ички бозорда маҳсулот танқислигига йўл қўймайлик, энг асосийси, нархларни мавсумий барқарорликка эриштириш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан 2020 йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш ҳам бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар дунё ҳамжамиятининг эътибор ва эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Хусусан, 2015 йилда мамлакатимиз БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилдиган мукофотга сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида тан олинди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган мустақил давлат даражасига эришганини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузимида сани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ҳамда модернизация қилинди. Мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил давомида таъминлаш имконини бермоқда.

Шу маънода яқинда Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг муҳим омил бўлган қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгаришларни мантиқан янги босқичга олиб чиқади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган иқтисодий инқироз шароитида бу каби натижаларга эришишнинг ўзи бўлмади. Қаредки изланиш, эркин меҳнат қилиш, ички имкониятлардан фойдаланиш учун ҳуқуқий асослар яратилган бўлса, ўша ерда турмуш фаровон, жамият барқарордир. Зеро, Ўзбекистоннинг кейинги йилгача беш йиллик таърибиса буни аяқол исботлаб турибди.

Депутатлар, қўмита ҳузуридаги экспертлар кенгаши аъзолари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашган тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида 34 та қонун қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур қонунлар ва Концепция асосида Конституциямиз ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти бошқарувини

янада демократлаштиришга хизмат қилаётди.

Қонуннинг кучи унинг иқросида бўлганидек, уни ишлаб чиқишидан то кучга киргунгача бўлган барча босқичнинг самарали ташкил этилиши қабул қилинаётган қонунларнинг халқчиллигига хизмат қилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Шухрат Шарофуддинов. — Шу боис, қонунларнинг ўзида унинг иқро механизмларини имкон қадар тўла акс эттириш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, Президентимиз ўтган йил 15 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Палаталарининг қўшма йиғилишида парла-

✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истиқболлари” мавзусида анжуман ўтказилди.

Электротехника саноати жадал ривожланмоқда

Дастлаб тадбир иштирокчилари “ArTel” компаниялар гуруҳи корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишишди. Бу ерда “ArTel” ва “Samsung” бренди остида совутич, музлаткич, кир ювиш машиналари, бутловчи қисмлар ва қадқоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бевосита гувоҳ бўлишди. Шундан сўнг бўлиб ўтган конференцияда парламент кўйи палатаси депутатлари, вазирликлар, “Ўзэлтехсаноат” АК таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари ва журналистлар қатнашди. Унда мамлакатимизда мустақиллик йилларида электротехника саноатининг вужудга келиши ва шаклланиши босқичлари, тармоқнинг бугунги кундаги ҳолати ва муаммолари ҳамда юртимизда элетротехника саноатини ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда электротехника саноати жадаллик билан ривожланиб бормоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Баҳром Ниёзматов. — Айтиш жоизки, мазкур соҳа саноатнинг алоҳида тармоғи сифатида тўлиқ шаклланиб, ривожланиш томон юз бурди. Натижада замонавий машина техника, жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр печ ва плиталар, светодиод лампалар ва турли хил ёриткичлар, шунингдек, кондиционер, совутич, газ ва электр плиталарнинг янги моделлари сингари йилгачадан зиёд қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ўнлаб янги корхоналар вужудга келди. Бунинг самараси ўлароқ ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан йил сайин ўсиб бормоқда. Хусусан, 2005 йилда тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 триллион 300 млрд. сўмга етди. 2015 ва жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқ корхоналари томонидан 1,5 триллион сўмдан ортиқ маҳсулотлар республикамизнинг турли тармоқларига, жумладан, энергетика, нефть ва газ, тоғ-кон саноатларига етказиб берилди.

Шунингдек, тадбирда электротехника саноатини ривожлантиришга қаратилган истиқболдаги режалар ҳусусида ҳам сўз юритилди. Қайд этилганидек, ҳозирда тармоқни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 2030 йилгача 1 млрд. АҚШ долларига яқин сармоя ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида 22 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва барча корхоналарни модернизациялаш ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажми 5,1 баробарга ортиши кутулкида. Бундан ташқари “Ўзэлтехсаноат” компанияси томонидан 2016-2019 йилларда ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва қишлоқда саноатни олиб киришни жадаллаштиришга қаратилган 95 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Анжуманда электротехника саноатига доир қонунчилик базаси ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тармоққа замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мулоқот давомида, шунингдек, тармоқда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтириш, янги ташқи бозорларни аниқлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор, замонавий электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш зарурлиги, бу борада мавжуд заҳира ва имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Конференция якунида мамлакатимизда электротехника саноатини янада ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Фракциядаги муҳокамалар моҳияти

44 Давоми. Бошланғич 1-саноқда

Муҳокамалар чоғида депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фауна ва унинг генетик фонди сон ва сифат кўрсаткичларини табиий шароитда сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларнинг, шу жумладан, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ҳайвон турларини асраб-авайлаш, ёввойи ҳайвон турларининг камайиши ёки йўқолиб бориши сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўллари, яшаш муҳити ва урчиш жойларини сақлаб қолиш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий асосланган меъёролаштириш ва квоталашни жорий этиш, мамлакатимиз ҳудудига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

Кун тартибидидаги навбатдаги масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

— Маълумки, Конституциямизнинг 65-моддасига асосан оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Дониёр Абдуқодиров. — Ушбу қонунни амалга ошириш мақсадида Жиноят кодексининг 46-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиб учун таътилда бўлган аёлларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган. Бирок, ушбу норма фақат меҳнат фаолияти билан банд бўлган аёлларнигина қамраб олади. Шу муносабат билан бандлигидан қатъи назар, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жиноий жазоларни либераллаштириш мақсадида уч ёшгача фарзандлари бўлган аёлларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилмаслигини назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айнан шу масалада хориж таърибиса билан танишганимизда айрим мамлакатлар жиноят қонунчилигида бу ҳолатда ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо умуман мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Германия, Эстония, Латвия шулар жумласидандир.

Шунингдек, депутатлар фракция эътиборига ҳавола этилган “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Мажлис якунида мазкур қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар билдирилди ва кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Эзгулик манзиллари

44 Давоми. Бошланғич 1-саноқда

— Ушбу китобларни мутолаа қилар экансиз, унда виждон, адолатлилик, меҳр-шафқат, орият каби халқимизга хос бўлган эзгу фазилатлар улуғланганга гувоҳ бўласиз, — дейди социология фанлари доктори, профессор Мансур Бекмуродов. — Қолаверса, халқимиз маънавияти мустақиллик йилларида янада юксалгани эътироф этилади. Зеро, халқнинг маънавиятини юксалтирмасдан тараққиётга эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Бу масалага етарли даражада эътибор қаратмаслик оқибатларини ўша биз билган кўҳна қитъанинг айрим ривожланган мамлакатлари мисолида кўриб билиб туришимиз. Бугун мазкур давлатларда вазият шу даражага етдики, ёш авлод ва катта авлод ўр-

тасида кўринмас жарлик пайдо бўлди. Бунинг оқибатида ёшлар ҳатто ўз ота-оналарига ҳам бегоналашиб кетмоқда. Бизда эса каттага журмат, меҳр-оқибат ва юртга содиқлик каби фазилатлар ёш авлод тарбиясида биринчи ўринга қўйилган. Мазкур масъулиятли жараёнда нафақат оила, мактаб, балки маҳалла ҳам тарбия маскани вазифасини ўтайди. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бугун ёшларимиз юксак марраларни кўлга киритиб, Ўзбекистон номини дунёга ёймоқда.

Давра суҳбатига сўзга чиққан депутатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари сингари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлгани ҳақида фикр юритиб, мазкур ри-

Қалб фаҳрга тўлади

Исломжон
ЗОКИРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси



Ватанимиз мустақиллигининг чорак асрлик тўйи арафасида ўтган йиллари барчамиз сарҳисоб қилаёلمиз, ютуқлардан фахрланяёмиз. Бундай шуқуҳли лаҳзаларда мустақиллик жасорат ва матонат билан кўлга киритилганини яна бир бор дилдан ҳис қиласан киши. Шунинг учун ҳам овоз ва обод юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу кунни энг улуг, энг азиз айём сифатида билади. Шонли санани интиқлик билан кутади. Уни катта шоду хуррамлик билан нишонлайди.

Ҳозир қай бир соҳа ва тизимда фаолият юритаётган ватандошларимиз билан суҳбатлашмайлик, уларнинг бугунги кундан рози экани, мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган катта ишончи юқиб ўзгарши ва янгилашилларга амин бўлаётганини амин бўлаяёмиз.

Бундай омилларга юртдошларимиз алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки глобаллашув жараёнида жаҳоннинг турли бурчақларида қўзғолиб турган табиий офатлар, очарчилик, қашшоқлик, муайян манфаатлар туфайли авжига чиқаётган низолар оддий одамларни,

айниқса, аёллар ва болаларни тинчлик деган неъматга ташна қилиб қўймоқда.

Бугунга келиб таҳлилчилар етарли озиқ-овқат етиштириш учун унумдор ери, суви бўлган давлатлар дунё тақдирини ҳал этишини таъкидлаб бошладилар. Ана шундай муносабатларга гувоҳ бўларканмиз, бевосита Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган ва айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган “Ўзбек модели” қай даражада ўзини оқлаганига тўла-тўқис ишонч ҳосил қиламиз.

Эътибор беринг: яқин ўтмишда қолоқ, аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик, пахтачи қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугун кўлга киритаётган ютуқлари қалбларни фаҳрга тўлдирди. Шунинг ҳам таъкидлашимиз зарурки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг иқобий инфодасини топмоқда. Ўтган йил октябрь ойида эълон қилинган Жаҳон банкнинг “Бизнес юритиш” рейтингига Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 логонга кўтарилди, 87-ўринни эгаллади. Энг муҳими, бундай юқори даражада ўсишга жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида эришилмоқда. Бу ютуқлар эса фақат хомашё сотиб, бир ёқлама ривожланиш эмас, балки модернизация ва диверсификация жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилгани эвазига кўлга киритилмоқда. Бундай қувончли натижалар ҳар биримизни суюнттиради, янги-дан-янги марралар сари руҳлантиради.

ларида ҳар иккала вилоят тадбиркор ва фермерларнинг фаолиятига юқори баҳо берилиб, келгусидаги долзарб вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилган, — дейди парламент кўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Шухрат Бафоев. — Жумладан, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб бораётган бир пайтда мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари парваришида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани биз депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундай экан, фермерлик ва тадбиркорлик ривожи йўлидаги гов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳи-

моя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим. Партиямиз ҳам тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун уларга ташкилий, ҳуқуқий шароит ва қафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши тарафдоридир.

Давра суҳбати ниҳоятда Президентиимизнинг мазкур рисоаларида илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни тадбиркор ва фермерлар, кенг жамоатчилик ва ёшлар орасида тарғиб қилиш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ахбар МУЗАФФАРОВ,
“XXI asr” мухбири

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш инсоний бурчимиздир

« Давом. Бошланғич 1-санада»

Ўз навбатида парламент қўйи палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган O'zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам мазкур қонунни атофлича ўрганиб чиқиб, амалдаги қонуннинг тез ва шиддат билан ривожланаётган бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган айрим нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўз муносабатларини билдиришмоқда. Шунингдек, бошқа фракциялар вакилларининг қонун нормаларини тушунишда қийинчилик туғдирадиган тақлифларига, тадбиркорлар ва фермер хўжалиқларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига салбий таъсир кўрсатадиган фикр-мулоҳазаларига ўзларининг қатъий жавобларини қўйидаги мазмунда баён этади.

Хусусан, O'zLiDeP ва "Миллий тикланиш" ДП фракциялари ташкил қилган Демократик кучлар блоки аъзолари ва парламент қўйи палатасидаги муҳолиф – ХДП ва "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари ўртасидаги фикрлар, турли мунозараларга сабаб бўлаётди. Бу ҳолат биринчидан, "Демократик кучлар блоки"га аъзо фракцияларнинг қонуннинг ҳалқчиллигини янада мустақамлаш учун ҳаракатга уңдаса, иккинчидан, бу жараён қонунни қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан янада мукамал бўлишига хизмат қилади.

Масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, "Адолат" газетасида чоп этилган "Ўсимлик дунёсини жамоатчилик муҳофазасида бўлсин" деб номланган мақолада келтирилган тақлифлар қонун нормаларини ўқиб ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнини қийинлаштиради. Хусусан, қонун лойиҳасининг 3-моддасида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг алоҳида турлари таркиби рўйхатида сув, темир йўл, автомагистраль йўллари муҳофазаси зоналаридаги ва корхона, ташкилотлар атофлича ўсувчи дов-дараклар, маҳаллий ўсимликлар ҳам киритилса, уларнинг муҳофазаси янада мустақамланган бўлар эди, деган тақлиф илгар сурилган. Мақола муаллифи қонун лойиҳасининг 3-моддасида келтирилган

Биз яшаб турган сайёрада ҳаёт таъминоти тизимини яхшилаш ва сақлаб қолишдек савобли, умуминсоний вазифани ҳам ўсимлик дунёсини сақлаб қолиш ёрдамида адо этиш мумкин

рўйхатдаги дараклар, буталар ва ўтсмон уруғлайдиган ўсимликларга чуқурроқ эътибор берган, масалага янада ойдинлик киритилган бўлар эди.

Бу масалада O'zLiDeP фракциясининг ўз тақлифи мавжуд бўлиб, яъни қонун лойиҳасини ўрганиш жараёнида бир неча бор ёввойи ўсимликларнинг таърифи билан боғлиқ масалаларни ойдинлаштиришга тўғри келмоқда. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, қонун лойиҳасининг "Асосий тушунчалар" моддасида "ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар"нинг ўзига ҳам алоҳида таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ана шундай пухта ўйланмаган фикрларни ХДП фракция аъзолари ҳам билдириб, қонун лойиҳасидаги 41-моддани, яъни ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишни рағбатлантириш масаласи ҳалқаро қонунчилик амалиётида бўлмаганлиги учун чиқариб ташлаш тақлифини билдиришган. Бундан ташқари ХДП фракцияси аъзолари ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда йўл қўйилган қонун бузилишларига белгиландиган маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалаларини белгилловчи тартибларни ҳам ушбу қонуннинг ўзига акс эттиришни маъқуллашмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай йўл туттиш мавжуд бошқа қонунларимизда белгилаб берилган айрим қоидаларни рад этиш билан баробардир. Албатта, янги таҳрирдаги қонун қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекслари ҳам маълум бир ўзгартиришлар қилинишини тақозо этади. Бундай ҳолатда ушбу қонунларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бугунги талаблар асосида амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Яна бир ажабланарли жиҳати, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида Халқ демократик партияси ва "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари аъзолари "Алоҳида тоифадаги ерларнинг ўсимлик дунёсини объектларидан фойдаланиш" деб номланган 37-моддани бутунлай чиқариб ташлаш тақлифини киритганлар. Шошма-шошарлик билан билдирилган ушбу тақлифга O'zLiDeP фракцияси аъзолари умуман қўшилмайди. Сабаби, бу нормада алоҳида тоифаларга кирган ерлардаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда жавобгарлик масалалари кимлар томонидан олиб борилиши қатъий тартибда белгилаб берилган ва амалиётда шу кунгача мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш имконини берувчи қоидалар киритилган.

Очигини айтганда, мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси депутатлар, кенг жамоатчилик орасида қизгин давом этаётганлиги қувонарли ҳолдир. Зеро, ишлаб чиқилаётган қонунлар мамлакатимизда олиб борилаётган фуқаролик жамиятини куриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга мос келади.

Шу ўринда яна бир гап: борлик мавжудот оламининг ҳаёти, саломатлиги ҳамда барқарорлиги айнан ана шу "яшил жамият"га боғлиқ эканлигига сира шубҳа йўқ. Биз яшаб турган сайёрада ҳаёт таъминоти тизимини яхшилаш ва сақлаб қолишдек савобли, умуминсоний вазифани ҳам ўсимлик дунёсини сақлаб қолиш ёрдамида адо этиш мумкин. Бундай маъсул яшавчи жавобгарлик ўсимликлар дунёсидаги биологик хилма-хилликнинг муҳим қисми бўлиб, ўз

навбатида сайёрамиздаги асосий табиий ресурс ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4600 дан ортиқ ўсимлик турлари ташкил этади, улардан 3000 дан ортиги ёввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари бўлиб, улардан 9 фоизи эса эндемик турларни ташкил этади. Ушбу ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларнинг умумий сонидан 324 таси эндемик, камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Мамлакатимизнинг ўрмон фонди майдонлари деярли 9,625 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан ўрмон билан қопланган майдонлар 3,3 млн. гектарни эгаллайди, ҳудудларнинг ўрмонлаштирилганлиги 7,5 фоизни ташкил этади. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES) мажбуриятларини бажариш доирасида камёб ва ноёб ўсимлик турларини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилиб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини экспорт ва импорт қилиш қоидалари белгиланди. Ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларининг рўйхати, уларнинг мойиллик даражасига қараб аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуни ўрмон билан боғлиқ муайян муносабатларини тартибга солиди. Шу билан биргаликда, амалдаги қонун ўрмон фондидаги кирмайдиган бошқа ўсимликларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва тақдор этиштиришнинг ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тўлиқ қамраб ололмади.

Ўрмон фондидан ташқари ўсимликларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш

масалалари қисман Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Автомобил йўллари тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар нормалари билан тартибга солинмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёси-

ХДП ва "Адолат" СДП фракциялари аъзолари "Алоҳида тоифадаги ерларнинг ўсимлик дунёсини объектларидан фойдаланиш" деб номланган 37-моддани бутунлай чиқариб ташлаш тақлифини киритганлар. Шошма-шошарлик билан билдирилган ушбу тақлифга O'zLiDeP фракцияси аъзолари қўшилмайди

ни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган. Қонун қабул қилинган вақтдан бери ўтган давр мобайнида, давлат томонидан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий либераллаштириш бўйича мақсадли сивбатнинг олиб борилиши, кучли фуқаролик жамиятини куриш ва бошқа масалаларни ҳал этилиши натижасида мамлакатимизда барча соҳаларда чуқур ижобий ўзгаришлар юз берди.

Биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида, биологик ресурсларни, шу жумладан, табиий ўсимлик жамоаларини ва улар ўсадиган муҳитнинг бир бутлигини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турлари жамоаларини ва уларнинг генетик фондини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш бўйича маълум тажриба тўпланди.

Ўтган давр мобайнида ушбу соҳага оид 60 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, ўсимлик дунёсини сақлаш ва ундан самарали фойдаланишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг битта фармони ва 3 та қарори ва 12 та идоровий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда 2 та Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги, Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисидаги конвенцияларга қўшилди.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиш орқали, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш,

Ўсимлик дунёсига салбий таъсирни чеклаш ва экологик мувозанатнинг бузилиши хавфини камайтириш лозим

ундан фойдаланиш ва тақдор этиштириш соҳасидаги муносабатларни қўйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали тартибга солишдан иборат деб ўйлаймиз. Бинобарин,

- табиатни муҳофаза қилиш миллий қонунчилигини экология, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқлаштириш орқали, биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида, флоранинг таркибий турларини ва унинг генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;
- ёввойи организмлардан ташкил топган табиий ўсимлик

жамоалари ва мажмуаларини, уларнинг табиий ҳолда ўсиш жойлари бир бутунлигини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар популяцияси турларини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш;

- ўсимлик дунёсини объектларини турларининг қисқариши ёки йўқолиб боришининг олдини олиш ва сабабларини бартараф этишни, ўсимлик дунёсини объектларидан самарали ва илмий асосланган ҳолда фойдаланишни ва тақдор этиштиришни таъминлаш;

- атофлича муҳитнинг ифлосланишини ўсимликлар мажмуалари сифатини сақлаб қолишга ўта салбий таъсир кўрсатиш оқибатларининг олдини олиш;
- гени ўзгартирилган организмлардан фойдаланишда ўсимлик дунёсига салбий таъсирни чеклаш ва

экологик мувозанатнинг бузилиши хавфини камайтириш;

- ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисқариши Ўзбекистон Республикасида олиб киради ва олиб чиқиш соҳасидаги муносабатларни;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини объектларини, шу жумладан, ўсимликларнинг генетик ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва тақдор этиштириш фаолиятларини ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солинишида ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши бир қатор масалаларнинг ўз ечимини топишида хизмат қилади. Яъни,

- ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва тақдор этиштириш соҳасида давлат бошқарувининг асосий принциплари белгилаб қўйилиши;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва тақдор этиштириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

- ўсимлик дунёсини объектларидан, шу жумладан, алоҳида тоифадаги ерларда жойлашган ўсимлик дунёсини объектларидан фойдаланиш турлари ва тартибини белгилаш;
- ер участкасини фойдаланувчиларнинг кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борилишини, шунингдек, ер участкасини давлат томонидан фойдаланувчиларнинг ўсимлик дунёсини объектларини тақдор этиштириш тадбирларини ўтказишларини белгилаш;
- ботаника коллекциялари тўпламларининг, ботаника боғлари, дендрология боғлари ўсимлик жамоаларини муҳофаза қилишининг ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий нормаларини белгилаш;

- ўсимлик дунёсини объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва тақдор этиштиришнинг иқтисодий механизмининг кенг жорий қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, O'zLiDeP Сайловли платформасида белгиланган долзарб ҳаётини вазифалардан келиб чиқиб, давлатимизнинг минтақада, бутун дунёда сиёсий, иқтисодий, экологик, гуманитар хавфсизликни сақлаш, айниқса, ўсимлик дунёсини муҳофазаси ва ундан фойдаланиш масаласи борасидаги сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари замон талабларига мослаштирилишидан манфаатдордир.

Илҳом НОСИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

O'zLiDeP ТАШАББУСИ

✓ Президентимиз "Эртанги кунимизнинг энг катта кучи, керак бўлса, замини нимага асосланади, деган саволга мен ёшларимиз, ёшларимиз ва яна бир бор ёшларимизга, деб жавоб бераман" дея навқирон авлод вакилларига юксак ишонч билдирган эди.

Салоҳият, иқтидор, орзулар намойиши

O'zLiDeP саъй-ҳаракати билан ўтказилиши кутилаётган "Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми" ана шундай ёшларни кашф этишга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқ. Ташкилотларнинг таъкидлашича, анжуманга бўлган қизиқиш катта ва бу ўзига хос тадбирда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи кун сайин кенгайиб бораётди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз миқёсида ўтаётган форумнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ёш тадбиркор ва фермерлар қўлга киритаётган ютуқларни жамоатчилик орасида кенгроқ тарғиб қилиш, уларни янгидан-янги марралар сари уңдашга рағбатлантиришдан иборатдир.

Бугун яна сизнинг эътиборингизга қалби қайноқ, турли соҳаларда ўзига хос орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш учун астойдил интилаётган айрим иқтидорли ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳавола этамиз.

СЎЗ – ИШТИРОКЧИЛАРГА

Ғиёсиддин БАБАХАНОВ, тадбиркор, Наманган вилояти:



– 2009 йилда "Наманган момиқ сочиқлари" маъсулияти чекланган жамиятига асос солинган эдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида 2014 йилда Франция, Германия, Италия, Туркия ва Ҳиндистон каби хорижий мамлакатлардан 2,8 миллион АҚШ доллари миқдоридеги замонавий тўқуқ, бўёқ ва қуриш шестроҳларини олиб келиб, қўшимча цехни ишга туширдик. Ҳозирги кунда корхонамизда 220 киши иш билан банд, уларнинг 62 нафарини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этади.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида корхонамиз 2012 йилда ISO 9001:2009 мувофиқлик сертификатига эга бўлди. Бу эса маҳсулотларимизни хорижа экспорт қилиш имконини берди. 2013-2014 йилларда ишлаб чиқарган буюмларимиз Россия, Молдавия, Қозғистон ва Туркменистонга экспорт қилинди. Айни пайтда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиокомпанияси ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келаёмиз.

Жамоамиз билан республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритаёмиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2015" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши тадбиркор" ўйналиши бўйича 2-ўринга сазовор бўлганмиз.



Нарғизахон МАМАНОВА, фермер, Навоий вилояти:

– Коллежни тамомлагач, "Обод турмуш келажак" фермер хўжалигини ташкил этдим. Айни пайтда хўжалигимизда ундан ортиқ киши меҳнат қилаётди. Утаган йили партиянинг "Ёш фермер" кўрик-танловида иштирок этганим мени янги гоя ва лойиҳалар устида ишлашга уңдади. Ҳозирги кунда ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларни қайта ишлаш учун хорижда янги ускуналар олиб келиш ва туманимизда янги цех очишни режалаштиряёмиз. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириш, танлаган соҳамнинг ривожига ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Ўйламанки, ушбу форум менинг тенгдошларим учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Умиджон ҚОДИРҚУЛОВ, фермер, Жиззах вилояти:



– Истиқлол йилларида мамлакатимизда аграр соҳа ривожига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиб, "Уста Сафар ота" кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этган эдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни қайта ишлаб, халқимизни импорт ўрнини босувчи, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида чорвачилик, балиқчиликка иxtисослашган фермер хўжалигимиз қўшида сутни қайта ишлайдиган цехни ишга туширдик. Ҳозир бу ерда 15 нафар ходим иш билан таъминланган. 8 турдаги сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаряёмиз.

Фермер хўжалигимиз таркибиде балиқчилик фаолияти ҳам йўлга қўйилган, ишчиларимиз сони 30 нафарга етди. Улардан 20 нафари коллеж битирувчиларидир.



Шаҳзоод ХУДОЙНАЗАРОВ, тадбиркор, Тошкент вилояти:

– Болалигимдан ўзимнинг корхонам бўлишини орзу қилардим. Ана шу қизиқишим бизнес гоямини яратиш ва уни ҳаётга жорий этишга туртки бўлди. Дастлаб, косибчилик хунарини кунт билан ўргандим, кейинчалик мустақил равишда янги-янги моделлар яратишни бошладим ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида "Ўзбегим" бренди остида чарм поабзат ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Айни вақтда 8 нафар ишчи ва 6 нафар шоғирдон билан сифатли маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилаёмиз. Уларни сотишда ҳам ҳеч қандай муаммо йўқ. Келажакда, "Ўзбегим" бренди остида ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни жаҳон бозорига чиқариш ва энг машҳур брендлар қаторидан жой олиш ниятдаман.

Фаолиятимни яқинда бошлаганимга қарамай, камтарона меҳнатларим муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида 2-ўрин, O'zLiDeP томонидан яқинда ташкил этилган "Ишбилармон талаба – 2016" танловининг Тошкент вилояти босқичида 1-ўринга лойиқ деб топилдим. Эришган натижаларим бундан-да юксак бўлиши учун янги гоя ва лойиҳалар устида ишлашим, фаолиятимни янада кенгайтиришим лозим.

ЖАРАЁН

Уларга ҳавас қилсак арзийди

44 Давоми. Бошланғич 1-саноқда

Ишбилармон аёлларнинг ўзига хос байрамига айланган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси раиси С. Турдиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилганлигини, жамиятимиз ҳаётида уларнинг ўрни ва роли ортиб бораётганини таъкидлашди.

Ҳозирги вақтда аёл нафақат уй бекаси, балки тадбиркор, фермер ҳамда катта корхона эгаси ҳамдир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжалиқларининг 4 минг 550 дан ортигини хотин-қизлар бошқармоқда.

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Муҳлиса Акромованинг таъкидлашича, илк мартаба ташкил этилган мазкур танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 10 мингга яқин тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёллар ўз лойиҳалари билан фаол иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркор хотин-қизларнинг лойиҳалари сараланиб, уларнинг 56 нафари яқини босқичда қатнашди.

Тадбирда хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасида тадбиркор опа-сингилларимиз ишлаб чиқарган маҳсулотларни кўздан кечириб эканмиз, ҳам оиласини эплаган, ҳам катта корхона, фермер хўжалиқларида қўллаб ёшларни иш билан таъминлаган инсонларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзишини англадик.

— Айнан мустақиллик йилларида тадбиркорлигимни бошлаганим менинг катта ютуғимдир, — дейди танлов ғолиби, "Торговое оборудование" МЧЖ раҳбари Рината Юсупова. — Бугунги кунда 50 турда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз айнан импорт ўрнини босувчи маҳсулот сифатида маҳаллий бозордаги талабдорларга маъқул келмоқда. Бозор талаб ва тақлифларини ўрганган ҳолда, жорий йилда янги ускуналар олиб келиб иш ўринларини 100 тага етказдик. Ходимларимизнинг деярли ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Бугунги танлов ҳозирда чинакам тадбиркор аёл макрмига эришган замонавий ишбилармонлар ва эндигина ўз бизнесини йўлга қўйган хотин-қизлар иштирокидаги икки авлод учрашуви мисолида ўтганилиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Самарқандлик Замира Бердиева томонидан тикилган миллий чопон ва дўппилар барчада илиқ хотираларни уйғотиб, ёшлик дамлари, яъни келинликнинг гўзал оиларини ёдга солган бўлса не ажаб.

Жиззахлик Марҳабо Маҳжумова юртимизда ёшларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлардан бири. Унинг корхонасида 27 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга. Тиниб-тинчимас Марҳабо янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятида ишланмоқда.



Ёхуд "Интеллект-магистр" раҳбари Иродахон Бахриддинова фарғоналик йигит-қизларнинг 19 та йўналишда хўнара эгаллашида бош-қош бўлаётди.

Танловда тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган, энг фаол, энг илғор опа-сингилларимиз беллашди. Кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз тараққийети ва халқ фаровонлиги йўлида фаол иштирок этаётган шижоатли, изланувчан, тадбиркор ва фермер хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда оилавий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш,

илғор тажрибаларни омаллаштириш ва энг асосийси, партия Дастури, Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборат.

— Истиклол туғайли ўз меҳнатидан фермер тадбиркорларимиз қадр топди. Мустақиллик мулкдорга ўз ерига эгаллик ҳуқуқини, юртининг бой-бадавлат кишиси бўлиб яшашни ҳада этди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси Танзила Нарбаева. — Қаранг, опа-сингилларимиз кўзларида эртанги кунига бўлган ишонч балқиб турибди. Меҳнати орқасидан оиласи фаровон, елкама-ел-



ка ишлаётган ходимлари ҳам миннатдор. Фарзандларини юртимизнинг олий даргоҳларида ўқитишяпти. Сиҳаттоҳларга хоҳлаган пайтида бориб, ҳордиқ чиқаришяпти. Ишонч билан айтишим мумкинки, бугуннинг аёли чиндан-да бахтли.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, айниқса, бунда хотин-қизлар иштирокини янада ошириш борасида қатор ишлар изчиллик билан амалга оши-

рилди. Натижада мазкур соҳада фаолият юритаётган хотин-қизлар улуши 40 фоизга етди. Кичик бизнес субъектларига ўтган олти ой давомида 8,3 трлн. сўм кредитлар ажратилган бўлса, шундан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 897,1 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни баҳолашда Низом талабларига кўра, кўшимча янги иш ўрни яратганлиги, фаолият туридан келиб чиқиб, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариши, аҳолига кўрсатаётган хизмат сифати ҳамда ҳаётга тадбиқ этиб келаётган янги инновацион гоёларига эътибор қаратишди.

Яқини натижаларга кўра, 1-ўринга Бухоро вилоятидаги "Малишок" фермер хўжалиги раҳбари Санам Жумаева, Хоразм вилоятидаги "Хоразм технологияси" хусусий корхонаси раҳбари Нигора Қўшжанова, Тошкент шаҳридаги "Савдо асбоб-ускуналари" МЧЖ раҳбари Рината Юсупова, 2-ўринга Жиззах вилоятидаги "Холмўмин-Зоҳид" фермер хўжалиги раҳбари Шарофат Нориева, Фарғона вилоятидаги "Ал-мансур" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Уктамон Давронова, Тошкент вилоятидаги "Шаҳлия" МЧЖ раҳбари Шохиста Мадиерова, 3-ўринга Тахтақўпир туманидаги "Рано чевар" кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари Улбосин Аннабаева, Олтинқўл туманидаги "Олтинқўл орзу умиди" фермер хўжалиги раҳбари Ҳуснида Аҳмедова, Ғиждувон туманидаги "Ғиждувон Машҳура" хусусий корхонаси раҳбари Замира Сафарова лойиҳа деб топилди.

Шунингдек, иштирокчилар "Замонавий тадбиркор аёл портрети", "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл", "Ташаббускор аёл" каби номинишлар бўйича ҳам тақдирланди.

Муҳтасар айтганда, юртимизда тадбиркорлик субъектларида раҳбарлик қилаётган аёлларимиз сони йилдан-йилга ошиб бораётгани қувонарлиқдир. Опа-сингилларимизнинг О'zLiDeP гоёлари асосида ҳамфикр ва кўмақдош бўлаётганликлари эса кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятидан далолат беради.

Дилноза НОМЗОВА,
"XXI asr" муҳбири

Улбосин Аннабаева, Тахтақўпир тумани "Рано чевар" кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси:

— 2005 йилда "Рано Шейкер" тикувчилик фирмасини очиб, 10 нафар кишини иш билан таъминладим. Ходимларимнинг меҳнатсеварлиги, буюртмаларни сифатли бажаришга ҳаракат қилиши кўнглимни тоғдай кўтаради. Ахир, тикувчиликнинг ҳам ўз сир-синаоти, ўзига яраша машаққатлари бор-да. Мижозларимизга маъқул келаётган маҳсулотларни етказиб бериш, уларнинг ишончига эга бўлиш жамоамиздан катта масъулият талаб этади.

Шу ўринда О'zLiDeP аёлларнинг сийёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан илғори суриллаётган гоёлар, лойиҳаларнинг аҳамияти хусусида тўхталмоқчиман. Партия томонидан ташкил этилаётган тадбирларда қанчадан-қанча хотин-қизларимиз ўзларининг бизнес лойиҳалари билан иштирок этиб, янгидан-янги цехлар очмоқда. Натижада, қўллаб-қувватлаш битирувчилари иш билан таъминланаяпти. Қўлаверса, партия томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида опа-сингилларимизнинг сийёсий-ижтимоий маданияти юксалиб, хусусий корхонаси бор аёлларимиз сафи кенгаймоқда. Улар ҳам жамиятнинг фаол аъзоси сифатида юртимизда кечаяётган ҳар бир жараёнга ўз сўзини, эркин фикр-мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлаётди. Шундай жаннатмонанд юртининг бахтиёр онаси, аёли эканлигимдан фахрланаман!

Сидиқа Гафурова, "Гафурова Сидиқа" фермер хўжалиги раҳбари, Бухоро вилояти:

— Айни пайтда пахта ва галла етиштириш билан бирга, поллизчилик, балқиччилик, асаларчилик билан ҳам шуғулланаман. Йиллар давомида шу соҳанинг нонини еб, суягим қўтди. Қўдиччиликлар мени янги марралар сари етказди. Ният билан қадаган уруғларим кўккариб чиқилиши, мўл ҳосил бериши учун қоқ жазирамани ҳам, қаҳратон совуқни ҳам писанд қилмадим. Ҳаракатларим, изланишларим бесамар кетмади. 35 нафар ишчимнинг маоши тайин. Даромадимни фарзандларим камолига, оиламнинг каму кўстига сарфлаяпман.

Нигора Қўшжанова, "Хоразм технологияси" хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти:

— Юртимизда яратилган ишбилармонлик муҳити мени тадбиркор бўлишимга туртки бўлди. Айни пайтда корхонамизда аёлларнинг сийёсий билимини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун ўқув курслари ташкил этилган. Бундан ташқари, хотин-қизларни соғломлаштириш мақсадида гимнастика зали, фитобар, массаж, турли машғулотлар ўтказиш учун замонавий тренажерлар билан жиҳозланган.

Маҳалламиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида нон цехини очганимиз. Пайлоқ тиқиш цехимизда эса кунига 700-1000 донга пайлоқ ишлаб чиқарилаётимиз. Шу кунларда янги лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Яъни, поллизтилен халталар ишлаб чиқариб, яна 25 та янги иш ўрни очиб ниятидамиз.

ДАВРА СУХБАТИ

Ошқора ва самимий мулоқот


Расмиятчиликлардан холи, самимий ва эркин мулоқотларга нима етсин! Партияимиз ана шундай қўллаб-қувватлаган тадбирларга бош-қош бўляптики, бу илгари суриллаётган либерал гоёларга ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, тадбиркорларнинг очиқ майдончаси — "Business hub" лойиҳаси билан биргаликда "Radisson BLU Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтган навбатдаги мулоқот ҳам хусусий бизнесда илк қадамларни қўяётган ёшлар, тажрибали ишбилармонлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ОАВ ходимларида унутилмас таассурот қолдирди.

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров, парламентдаги фракция-миз аъзолари — Аҳдам Шодмонов,

Полянте Свешников, Дилором Файзиёва ўз чиқишларида йиғилганларни фаол бўлишга, эмин-эркин фикр алмашишга қайта-қайта қоралдилар. Уларнинг даввати жавобсиз қолмади, албатта. Тадбир гоят қизиқарли ва мароқли ўтди. Хусусан, республика Савдо-саноат палатаси юристи Алишер Сафаровнинг иштирокчилар саволларига қайтарган аниқ, батафсил ва ҳаққоний жавоблари кўпчиликни қаноатлантирди.

"Chustiy's Cuisine" ва "Oshxona.uz" кафелари соҳибни, қўллаб-қувватлаш ро таловлар ғолиби, ноанъанавий



пазандчилиги, қўтилмаган ёндашувлари ҳамда ўз бизнесида замонавий ахборот технологияларини кенг истефода этаётгани билан шон-шўҳрат қозongan 32 яшар Бахриддин Чустийнинг сўзлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Айримлар унинг тадбиркор сифатидаги таржимаи ҳоли ишбилармонлигини



орзу қилаётганлар учун ибрат мактаби эканини эътироф этишди.

"Murad Buildings" қурилиш компанияси директори, интеллектуал салоҳияти, ўзига хос дунёқарashi ва бошқа талай фазилатлари билан тилга тушган Мурад Назаровга ҳам саволлар ёмғирдек ёғилди, десак муболага бўлмади. У, жумладан, фақат ва фақат моддий фойда илнинжида бирор ишга қўл уриш номақбуллиги, инсоннинг ўзи меҳр қўйган, қалби буюрган юмуш билан шуғулланиши унга омад ва бахт келтириши, касби, ҳунари кишига ҳаммиша завқ-шавқ, илҳом бағишлаши лозимлиги тўғрисида тўққиланиб лозимлиги тўғрисида тўққиланиб гапирди.

— Мен, айтайлик, бирор уй қурилишига шу уйда оилам, ота-онам яшайди, деган ёндашув билан киришаман, — дея таъкидлади тадбиркор. — Ишчи-хизматчилардан ҳам шуни қатъий талаб қиламан. Балки, шунданбир, бозоримиз чаққон, нуфузимиз баянда.

Тадбир давомида юртимизда "бренд"га айланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган машҳур ишбилармонлар янги инновацион гоёлар ва технологиялардан самарали фойдаланишга бағишланган тақдиротлар ўтказдилар.

Бехзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" муҳбири

Хайрия тадбири

Юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, боқувчисини йўқотган, ногирон болалар ҳолидан хабар олиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бу борадаги ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётди.

Белгиланган вазифаларни ҳаётда тадбиқ этишда партия электорати ва Халқ депутатлари О'zLiDeP Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман Кенгаши депутати Абдулла Раҳмонов ҳомийлигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ҳудуддаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган қатламлари вакиллари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун тўй маросими уюштирилди.

Тадбир доирасида тўйболаларга эсдалик совғалари улашилди, эътиборлиси, ташкилотчилар томонидан туман марказидаги истироҳат боғида ўтказилган хайрия тадбири болажонлар қувончига қувонч қўшди.

О'zLiDeP
Сурхондарё вилоят Кенгаши
Матбуот хизмати



Бошлангич партия ташкилотларида

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК

Жойларда O'zLiDePнинг янги-янги таянч тузилмалари вужудга келаётгани партиямиз илгари сураётган ғоя ва мақсадларнинг нақадар халқчил ва ҳаётийлигидан далолат беради



— Маҳаллада ташкил қилган партия таянч тузилмаси том маънодаги эҳтиёж маҳсулидир, — дейди етакчи. — Чунки O'zLiDeP дастурий ғояларини қўллаб-қувватлайдиган тарафдорларимиз фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларнинг бошини қуватирувчи шундай ташкилот барпо қилиш таклифи кўп кишилар томонидан айтилаётган. Таъкидлаш жоизки, бошлангич ташкилотимизга аъзо бўлган маслақдошларимизнинг аксарияти хусусий сектор вакилларидан иборат. Илк йиғилишимиздаёқ

худудда 117 та фермер хўжалиги иш юрляпти. Ундан зиёд хўжаликда партиямиз қўйи бўғинлари тузилгани эътиборга молиқ. Бошқача айтганда, худудда хусусий сектор манфаатларини партиявий воситалар билан ифодалаш учун имкониятлар етарли.

Куни кеча эса яна бир янги БПТ "Файзулла бобо" фермер хўжалигида иш бошлади.

— Партиянинг ғоя ва мақсадлари фермерлар орзу-ниятлари, интилишларига уйғунлиги бизни ушбу сиёсий куч сафида бўлишга ундади, — дейди бошлангич ташкилот аъзоларидан бири Айшажон Собирова. — Хўжаликда 5 кишидан иборат БПТ ташкилотиди. Сиёсий куч атрофида жипслашишдан мақсадимиз қишлоқда либерал ғояларнинг устуворлик касб этишига ҳаракат қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаолроқ қатнашишдан иборат. Чунки "Бирлашиб дарё бўлур", дейди халқимиз.

— Дастлабки йиғилишимизда электрот вакиллари, сайловчилар наздида партиямиз нуфузини янада ошириш учун қандай ишларни амалга оширсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деган масалани ўртага ташладик, — дейди БПТ етакчиси, хўжалик иш бошқарувчиси Ҳамид Собирова. — Энг самарали йўл — замин соҳибларини ўйлантираётган турли масалаларга партиявий механизмлар орқали жамоатчилик ҳамда мутасадди идоралар эътиборини қаратиш, деган яқин қарорга келдик. Чунки куч ва ваколатларимиз ана шу вазифани ундаш имконини беради. Шунингдек, биз бу борада тегишли ташкилотлар, хусусан партия қорғали органлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга келишимиз олди.

O'zLiDeP ўз Дастурида эълон қилганидек, партия тиббиёт сифатини давлат ва хусусий ҳақдорликнинг ҳиссаси катта. Чиндан ҳам ишбилармонлик, эгаллик туйғуси улкан бунёдкорона бир кучдирки, у бибонни бустонга айлантиради. Чунончи, фуқаролар йиғини

ши партиямиз ўз олдига қўйган вазифаларни собитқадамлик билан амалга татиқ қилаётганини намён этади.

Фаоллар ҚВП врач Дилбар Юлдашевнинг қўйи бўғин раҳбарлиги билан ифодалаш учун яқинда билин овоз беришиди.


Етакчининг айтишича, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида "Соғлом она ва бола" йили Давлат дастурига мувофиқ қўлама ва моҳиятига кўра улкан ишларни амалга оширишимиз лозимлигини алоҳида қайд этиб, бутун халқимизнинг жисмоний соғломлиги ва маънавий камолотини янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ишларда барча бирдек фаол иштирок этишига ишонч билдирган. Муассаса имкониятларининг партия салоҳияти билан бирлашиши Юртбошимиз томонидан билдирилган ана шу ишончни оқлаш, Дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мустаҳкам замин яратмоқда.

Муктасар айтганда, Ҳазорасда ҳам аксарият юртдошларимиз ривожланган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини сиёсий партияларсиз қўриб бўлмаслигини аллақачон англаб етган. Эътиборлиси, фуқароларнинг аксарияти нафақат партиямиз ташаббуслари, лойиҳалари, илгари сураётган асосий ғоялари билан ўки бу даражада таниш, балки ана шу жараёнда фаол иштирок этишяпти. Айниқса, ёшлар мамлакатимиз келажagini тадбиркор ва фермерларсиз тасаввур эта олмаслигини очик айтишмоқда. Яъни, уларнинг истак ва интилишлари партиямиз мақсадлари билан муштаракдир.

Дурдона ҚОБУЛОВА, O'zLiDeP Ҳоразм вилояти Кенгаш масъул ходими Бехзод ИСРОИЛОВ, "XXI asr" мухбири

✓ Жондор туманида бугунги кунда 1316 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 50 та O'zLiDeP қўйи бўғини фаолият олиб бормоқда. Уларнинг аксариятига партия дастурий ғоя ва мақсадларини яхши англаган, O'zLiDeP нуфузи ортишига муайян ҳисса қўшиб келаётган сафдошларимиз етакчилик қилишмоқда.

"Ромиш" лик сафдошларимиз фаол



"Ромиш" ҚФЙ худудда фаолият олиб бораётган БПТ раиси Роҳила Бозорова ана шундай фаоллардан бири. Қайд этиш зарурки, у яқинда вилоят суратган асосий ғоялари билан ўки бу даражада таниш, балки ана шу жараёнда фаол иштирок этишяпти. Айниқса, ёшлар мамлакатимиз келажagini тадбиркор ва фермерларсиз тасаввур эта олмаслигини очик айтишмоқда. Яъни, уларнинг истак ва интилишлари партиямиз мақсадлари билан муштаракдир.

Мухтор Қулиев қатнашган давра суҳбатларида, жумладан, худудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами муносиб қилиб олиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида батафсил сўз юритилаяптики, бу юртдошларимизни, айниқса, ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлигини таъминлашга кўмаклашяпти.

Фуқаролар йиғини худудда 20 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу ерда кўп тармоқли фермер хўжалиқларидан тортиб, ўнлаб йўналишларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига бор. Чунончи, "Гўзаллик саломи", қурилиш материаллари билан савдо қилувчи, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобчалар, тикувчилик цехлари ва бошқа хизмат турларидан ҳамма баҳраманд бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, жами 400 дан ортқ киши мазкур субъектларда доимий иш билан таъминланган.

Худудда оилавий тадбиркорликнинг йўлга қўйилишида сафдошларимиз, хусусан, БПТ фаолларининг муайян ҳиссаси

бор. Улар ушбу масала билан боғлиқ амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиб келишяпти, бу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишларининг тўғри ташкил этилгани натижасида худудда бизнеснинг ана шу шакли тобора оммалашмоқда. Масалан, Саломов, Асадов ва Ортоқовлар оилалари помидор, бодиринг ва бошқа сабзавот экинлар етиштиришга киришган бўлсалар, Азизовлар хонадони истеъмолчиларга сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланишяпти.

БПТ йиғилишларининг белгиланган режа асосида ўтказилаётгани, юқори партия ташкилотларининг кўрсатма ва тавсияларига қатъий амал қилинаётгани ҳам қўйи бўғин фаолияти самарадорлиги ортишига хизмат қилмоқда. Чунончи, маҳаллада тарафдорларимиз тобора кўпаймоқда. Яқинда қўйи тузилмага O'zLiDeP аъзоларига қабул қилишни сўраб, Мақсуд Бозоров, Талъат ва Рафиқ Орипов мурожаат этди. Шу тариқа бошлангич ташкилот сафи борган сайин кенгайиб бормоқда. Йил охиригача БПТ аъзолари сони 20 дан ортқи кутиляпти.

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

✓ Маълумки, айнан қўйи бўғин орқали сиёсий партия омма орасига чуқур кириб боради, электрот билан бевосита боғланади. Демак, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намён этиши ҳар жиҳатдан уларнинг иши тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда БПТлар ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Шу боис O'zLiDeP таянч тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш масалалари билан бирга уларнинг сонини кўпайтиришга қаратилган ишларга ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу йўналишда тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляптики, улар қутилган самараларни берапти.

Хусусан, партиянинг Ҳоразм вилоят Кенгаш ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази, мафкуравий тарғибот-ташвиқот бўлими, бошлангич ташкилотлар билан ишлаш гуруҳи ҳамда O'zLiDeP Ҳазорасп туман Кенгаш ходимлари иштирокида мазкур туманда туркум ғоявий-сиёсий тадбирлар ташкил қилинди. Сафдошларимиз орасидаги машур тадбиркорлар, олимлар, сиёсатшунослар ҳам қатнашган жонли суҳбатлар иштирокчиларга маъқул бўлди. Эътиборлиси, мазкур мулоқотлар жойларда партиямиз ғояларига қизиқиш кучли эканини яна бир бор намён этди. Шу билан бирга бевосита учрашувлар янги-янги партия таянч нуқталари ташкил топишни тезлаштирувчи ўзига хос восита вазифасини ҳам ўтади, дейиш мумкин. Бир ой мобайнида туманда 10 та янги БПТ — ижтимоий-сиёсий фаолият ўзакларига асос солиниши ҳам

фикримизга далил бўла олади. Қўйида уларнинг айримлари ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Питнак шаҳарчасидаги "Саримой" қишлоқ фуқаролар йиғини худудда беш ярим мингга яқин турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Партия туман ташкилотининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Озода Қаландарованинг қайд этишича, қишлоқда ташкил этилган қўйи ташкилот электротимиз вакиллари партиямиз ғоялари атрофида жипслаштиришга, демакки, аҳиллик, баҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъсис йиғилишида эл ташвишини ўз ташвиши деб биландиган, жамоатчилик юмушларини бекаму кўст ундаш, ишчанлиги ва ташаббускорлиги билан ҳурмат-эътибор қозонган маҳалла фаолларидан бири Жумадури Турраев қўйи бўғин раиси этиб сайланди.

улар билан биргалликда иш юртининг партиявий воситалари, айрим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳамкорликда ҳал қилиш йўллари хусусида маслаҳатлашдик. Жумладан, маҳаллада янги тадбиркорлик субъектларини очиб, маҳаллий аҳоли турмушини янада фаровонлаштириш, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

"Тупроққалъа" ҚФЙ туман марказидан 150 км. олисда. Лекин ўз маъмурчилиги, ҳар жиҳатдан ободлиги билан яна бир марказ сифатида эътироф этилгудек салоҳияти бор. Шундай фаровон ҳаётнинг бини бўлишида бу ерда эмин-эркин ишлаётган тадбиркорлар, қишлоқ мулкдорларининг ҳиссаси катта. Чиндан ҳам ишбилармонлик, эгаллик туйғуси улкан бунёдкорона бир кучдирки, у бибонни бустонга айлантиради. Чунончи, фуқаролар йиғини

✓ O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган турли учрашувлар, давра суҳбатлари, акциялар, партиявий лойиҳалар, шунингдек, депутатлар ва бошлангич ташкилотлар ҳамкорлигида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал қилинаётгани сиёсий куч мавқеини мустаҳкамламоқда, юртдошларимизнинг либерал-демократик ғояларга қизиқишини кучайтирмоқда.



— Бошлангич партия ташкилоти партия Устави, Дастури ва партия раҳбар органларининг бошқа қарорлари билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларини қонун доирасида аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб боради; — жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда Партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштиради, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлик қилади.

"Партия мададини ҳис этяпмиз"

Бу ижобий ҳолат, жумладан, бошлангич ташкилотлар ва маслақдошларимиз сони узлуksиз ошиб бораётгани ҳам кўзга ташланаётди. Масалан, ўтган йилнинг олти ойида Самарқанд вилоятида партия аъзолари 26019 нафарни, қўйи бўғинлар 992 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг айни даврида аъзолар 28 660 нафарга, таянч тузилмалар эса 1060 тага етди. Эътиборлиси, икки ярим мингдан ортқ янги аъзонинг қарийб 60 фоизи ёшлар, 30 фоиздан зиёди хотин-қизлардан иборат.

— Ўтган йили онам Гулнора Шукурова билан O'zLiDePнинг "Мулкдор оила" лойиҳасида қатнашгандик, — дейди Иштихон туманидаги "Умида

нон" оилавий корхонаси раҳбари Шоҳсанам Содиқова. — Тадбир ҳар жиҳатдан бизга маъқул бўлганди. "Қишлоқда кўп тармоқли маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриш" мавзусидаги лойиҳам билан голиблар сафидан жой олгандик. Бу йил бўлиб ўтган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловда эса иккинчи ўринни эгалладим. Бундай тадбирларга мунтазам таклиф қилинишимиз, меҳнатимизнинг эътирофи этилиши, ҳамкасбларимизнинг қўллаб-қувватланиши менда шу партияга аъзо бўлиш истагини қатъий қарорга айлантирди. Беш ойдан буён партия сафидаман. O'zLiDeP туман Кенгашда ташкил этилган БПТ аъзосиман. Бошқа

талай партиявий ишлар қатори маслақдошларимиз билан касб-хўнара коллежлари битирувчилари ўртасида туркум давра суҳбатлари уюштирялмиш. Ёшларга тадбиркорликни бошлаш ва юритиш борасида маслаҳатлар бераймиз, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолардан огоҳ этяпмиз. Бундай йўл-йўриқлар уларга гоат асқотяпти. Ун нафарга яқин тенгдоши билан биргалликда махсус иш қийимлари ишлаб чиқараётган Мурод Раҳматов, иссиқхона ташкил этган Отабой Мухаммадов, тикувчилик корхонасини яхшигина эплайётган Гулмира Яхшибоева фаолиятини фикримга мисол сифатида келтиришим мумкин.

— Жорий йилда партия-

га қабул қилиндик, — дейди Тайлоқ туманида фаолият юритувчи "Машхура Собира голд" фермер хўжалиги раҳбари Собира Зубайдова. — Хўжаликда 5 нафар аъзонни бирлаштирган таянч бўғин ҳам туздик. Ўз ғоялари атрофида юз минглаб ҳаммаслақни жипслаштирган нуфузли сиёсий куч сафида бўлиш, доимо унинг мададини ҳис этиш бизга улкан куч-қувват бағишлайди, айни пайтда зиммамиздаги масъулиятни ошириб, фаолликка ундайди.

Ишни, аввало, ўзимизга тааллуқли айрим масалаларни ҳал қилишдан бошляймиз. Қўйи ташкилотнинг илк йиғилишларидан бирида фаолиятимизни кенгайтириш учун туман ҳоқимлигида бир неча гектар яйлов бериш масаласида мурожаат қилиш ҳақида маслаҳатлашдик.

Мухаббат РАВШАНОВА "XXI asr" мухбири

— Бошлангич партия ташкилоти партия Устави, Дастури ва партия раҳбар органларининг бошқа қарорлари билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларини қонун доирасида аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб боради; — жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда Партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштиради, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлик қилади.

O'zLiDeP Уставидан

Имконият майдони кенгаймоқда

O'zLiDeP Ширин шаҳар Кенгаш таркибидagi бошлангич ташкилотлар ҳам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қатор ғоявий-сиёсий тадбирлар ташкиллаштирамоқдалар. Хусусан, "Тумарис Ширин нур" МЧЖда иш юритаётган қўйи бўғин фаоллари ташаббуси билан "Оилавий бизнес — мустақиллик берган имкониятлардан бири" номли давра суҳбати ўтказилди.

Партия вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, депутатлар, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг шаҳар бўлими вакиллари ўз чиқишларида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунга асосан иқтисодиётимизда хўжалик фао-

лиятининг оилавий корхоналар шаклибидagi бошлангич ташкилотлари ҳам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қатор ғоявий-сиёсий тадбирлар ташкиллаштирамоқдалар. Хусусан, "Тумарис Ширин нур" МЧЖда иш юритаётган қўйи бўғин фаоллари ташаббуси билан "Оилавий бизнес — мустақиллик берган имкониятлардан бири" номли давра суҳбати ўтказилди.

Партия вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, депутатлар, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг шаҳар бўлими вакиллари ўз чиқишларида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунга асосан иқтисодиётимизда хўжалик фао-

Ўз мухбиримиз

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Йиллар ва тақдирлар

кўхна ва ҳамшиша навқирон Хоразм воҳасининг истиқболлини белгиламоқда



«Давоми. Бошланғич 1-санида»


Бир пайтлар Шовот канали вилоят марказини кесиб ўтган оқар сув артерияси эди, холос. Давлатимиз раҳбари юқорида таъкидланган сессияда "Хоразм воҳасида қурилиш ва ободончилик соҳасида олиб борилаётган катта-катта ишларни вилоят маркази бўлмиш Урганч шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин" дегани, "Урганч шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш учун умумий қиймати 112 миллиард сўми ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилиб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилган"ни алоҳида таъкидлаган эдилар. Мана, бугун шаҳарнинг марказий қисмида, ал-Хоразмий, А. Баходирхон, "Ёшлик" кўчаларида амалга оширилган қурилиш ишларини кўриб, кўзингиз қувнайди, қалбингиз фахру ифтихорга тўлади. Янгиланиш ва яшарлиш манзаралари вилоятнинг ҳар бир шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, хонадониди ярқ этиб кўзга ташланмоқда. Ободлик, энг аввало, одамларнинг тоза кўнглидан, тафаккурдаги янгиланишдан бошланмоқда.

— 2012 йилнинг 9 октябрида муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов биз хоразмликлар лексиконига "ландшафт архитектураси" деган муҳим бир иборани қўшибди, — дейди Шовот канали соҳилдаги сўлим, баҳаво хивобда невараларини сайр қилдириб юрган меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Р. Султонов. — Ландшафт архитектураси наинки улкан арнамининг икки соҳили, балки бутун шахримизнинг кўрқига кўрк қўшиб юборди. Очигини айтганда, илгор мамлакатларнинг ана шундай сув артериялари соҳилларини сулуво қилиб кўйган шаҳарларида бўлганимизда "Қачон бизларнинг Шовот канали буйлари шундай ободу кўркам бўлар экан?" деб армон қилар эдик. Истиқлол боис ана шу асрий армонимиз ушалди. Бармоқ букиб санайдиган бўлсам, мустақиллик шарофати билан бундай асрий орзу-армонларимиздан бир қанчаси рўёбга чиқди. Узингиз ўйлаб кўринг: сахро бағрини тилиб, воҳани мамлакат маркази билан боғлаган "Урганч-Мискин-Учкудук" темир йўли етти ухлаб тушимизга кирганими? Темир йўли қурилди ҳам дейлик. Аммо уни дарё орқали ўтказишни айтинг.

Собиқ тоталитар давлат ўзининг 74 йиллик "зафарли юриши" чоғида дарё устига Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган бирорта кўприқ қуриб беришга куч тополмади. Ё кучи бўлса ҳам рағбати бўлмади? Хулласи калом, истиқлолнинг чорак асри давомида воҳада 3 та замонавий дарё кўприғи қурилди. Дарё устига қурилган "Мискин-Тошсоқа" автомобиль-темир йўл кўприғи эса ўзбек кўприқсозлигининг олтин саҳифасига айланди. Хоразмда замонавий автомобиль, экскаватор, велосипед, шакар заводлари ишлаб турибди. Саҳрони кесиб, тезкор темир йўл қурилишига киришилди. Мен ўтган замонларнинг аччиғи-ю чучугини тотган бир тажрибали инсон сифатида бу кунларнинг қадрига етишимиз, мустақилликни кўз қорачиғидек асрашимиз, уни мустаҳкамлашга бутун ҳаётимизни бахш этишимиз керак, деб ҳисоблайман!

Рустам ота ҳақ: ўтган йилларда биргина Урганч шаҳрида 15 та намунавий кўча барпо этилди. Улар ўз мейвочилик қиёфаси билан жаҳоннинг энг илгор мегаполисларидан қилинмади. 30 дан ортиқ замонавий, кўп хонадонли турар-жойлар, 100 дан ортиқ ажойиб коттеждлар барпо этилиб, улар асосан эртанги кун эгаларига армуғон қилинди. 2013-2015 йиллар давомида Урганч шаҳрида 1 триллион 190 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уйданди. Аини чоғда қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини кўтариш диққат марказида турибди. Биргина 2015 йилда 22 та қишлоқ мавзеида 865 та замонавий лойиҳа асосидаги турар-жойлар қурилиб, калитлари бахтли соҳибларига топширилди. Вилоятдаги ҳар 100 оиладан 41 таси энгил автомобилга эга бўлиб, улар орасида қишлоқ аҳлининг улуши кун сайин ошиб бормоқда.

— Аграр шўъбадаги ислохотлар амалда ўзининг ёрқин самараларини бермоқда, тармоқда бозор муносабатлари тараққиётнинг ишончли локомотиви айланмоқда, — дейди вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ҳ. Машарипов. — Ўтган йили 224 минг тонна галла етиштирилди. Давлатга 264 минг тонна пахта сотилиб, ялли хирмон 2014 йилга нисбатан 6,6 минг тоннага кўпайди. Икки тармоқдан олинган фойда эса 28 миллиард сўмга ортиди. Буларга қўшимча равишда мўл сабзавот, поллиз, мева, узум билан бирга 45



минг тонна картошка етиштирилгани алоҳида таъкидлаш керак. Худудимизда 6049 та фермер хўжалиғи бор. Улардан 1390 таси кўп тармоқли фермер хўжаликлари сифатида тўлақонли фаолият олиб бормоқда. Бу хўжалиқлар кейинги йилларда ўз маҳсулотларини сифатли сақлашга мўлжалланган 14 та замонавий совутичли омбор ҳамда камералар барпо этди. Натижада воҳамизнинг бетакрор мева, сабзавот, узум, қовун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш ҳамда яқин хорижга экспорт қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Бу борада бизга давлатимиз раҳбарининг "Мева-сабзавот, картошка ва поллиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳар томонлама дастурийлашма бўлмоқда.

Дарвоқе, экспорт худуд тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Худудий экспорт дастурига биноан 2015 йилда жами 45,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилиниб, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 3,3 баробарга ошди. Йил давомида экспорт фаолиятига 12 та янги корхона жалб этилиб, улар томонидан хорижий ҳамкорларга 2,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот ва хизматлар кўрсатилди. Россия Федерацияси ва Қозғистонда 5 та янги савдо ўйи очилди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини

қўллаб-қувватлаш жамғармаси"нинг амалий ёрдами кучайди. "Соғлом она ва бола йили"да янги экспортбop маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган 25 та истиқболли лойиҳа амалга оширилади. Айнқиса, хорижга 14 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотини экспорт қилиш режалаштирилаётгани таҳсинга лойиқдир. Чорвачилик имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланилади. Зеро, вилоятда аини кунда 825 минг бошдан ортиқ қорамол бор. Шунингдек, пиллачилик, паррандачилик, асаларчилик, балиқчиликни ривожлантириш борасида ҳам янгидан-янги марралар эгаланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти sanoati salohiyatini rivojlantirish dasturi turgisida" - gi qarori tulya amalga oshirildi. 2016 йилнинг 1 январига қадар "GM Uzbekistan" АЖ Хоразм филиали томонидан 48894 дона "Дамас", 2984 дона "Шевролет Орландо", 1431 та "Лабо" русумли замонавий автомобиллар, "ЎзХМЖ" МЧЖ қўшма корхонаси томонидан 149 та замонавий экскаватор, 72 та бульдозер ишлаб чиқарилди. 2010 йилда ялли худудий маҳсулотда sanoatning ulushi 5,9 фоизни ташкил этган бўлиб, бугун у даярлик 3 баробарга яқинлашди. Ўтган йили вилоятда жами 60601 янги ишчи ўрни яратилди. Биргина "Darital shoes" масъулияти чекланган жамияти иш ўринларини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш эвазига йил давомида 40

турдаги 24 минг жуфт замонавий пойабзал ишлаб чиқарди. Бундай мисолларни исталганча давом эттириш мумкин.

— Мен Богот туманидаги Бешариқ қишлоғида фаолият олиб бораётган "Хоразмтех" МЧЖ да ишлайман, — дейди ёш ишчи Мунира Каримова. — Биз Европада олиб келинган энг сўнгги русумдаги технология линияларда фаолият юритялизи. Жамоамиздаги 200 нафардан ортиқ йигит-қизларнинг кўпчилиги менга ўхшаган касб-хўнар коллежлари битирувчиларидир. Биргина бизнинг туманимизда бешта тўқимачилик корхонаси ишлаб турибди. Уларда қанчадан-қанча ёшларимиз меҳнат билан банд. Корхонамиз ишлаб чиқараётган рақобатбардош маҳсулот Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Маошимиз, ишлаш шарт-шароитларимиз яхши. Қолаверса, бўш вақтимизда спорт билан шуғулланиш учун имкониятлар бор. Юрт тинч, дастурхон тўкин, халқ бахтли, ёшлар мамнун бўлса, бизга яна нима керак? Албатта янада яхшироқ ишлаш, эртанги кунга ишончли замин яратиш-да!

Учдаланган модернизация ва диверсификация тадбирлари, маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси натижасида 2015 йили вилоятда ялли худудий маҳсулот ҳажми 10,1 sanoat maхсулотлари ишлаб чиқариш 21,9 қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 5,9 жами хизматлар 13,4 фоизга ўсди. Sanoat, хизмат курса-

тиш ва аграр шўъбада жами 559 миллиард сўмлик сармоялар ўзлаштирилишига қаратилган 1725 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 11605 та янги иш ўрни яратилди. Касб-хўнар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўз бизнесини бошлаган ёш йигит ва қизларга имтиёзли кредитлар бериш борасида муҳим қадамлар кўйилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг амалий кўмағи билан вилоятни 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Унга кўра мазкур даврга бориб вилоят sanoati 8,5 баробарга ўсади.

— Вилоятда sanoat, аграр шўъба, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, бунёдкорлик соҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ишлар эътирофга лойиқдир, — дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, ал-Хоразмий номидagi Урганч давлат университети профессори, иқтисод фанлари доктори Б. Рўзметов. — Аини чоғда, сервис соҳаси, жумладан, сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш бўйича эътиборга молик ишлар бажарилмоқдаки, улар хусусида алоҳида тўхталиш керак. Давлатимиз раҳбарининг "Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дasturi turgisida"ги qarori бу борада янги босқичга йўл очиб берди. Вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, худуднинг сайёҳлик йўналишларини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш борасида янги қадамлар кўйилди. Ҳозирги кунда вилоятда маданий мерос объекти, шу жумладан, 18 та археология, 133 та архитектура, 66 та ҳайкалтарошлик ва бошқа манзиллар бор. 2012 йилда вилоятда 36 та сайёҳлик ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, аини кунда уларнинг сони 59 тага, меҳмонхоналар эса 42 тага етди. Янгидан 16 та замонавий меҳмонхона қурилди. Урганч туризм ва меҳмонхона коллежининг фаолияти янада такомиллаштирилади. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, мамлакат қудратига қудрат қўшиш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг қалб амримизга айланган!

Янгибўи ҚўЧҚОРОВ,
"XXI asr" мухбири

ЛОЙИХАЛАР – ҲАЁТГА

Қобилиятли ёшлар – юрт истиқболи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Нукус компьютер ва ахборот технологиялари касб-хўнар коллежида "Ишбилармон талаба-2016" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. 2004 йилдан бунён ўтказиб келинаётган ушбу танлов ёшларда катта қизиқиш уйғотиб, иштирокчилар сафи йил сайин кўпайиб бораёттир.

Танлов якунига кўра, Чимбой агросаноат касб-хўнар коллежи ўқувчиси Заҳида Шаробаева биринчи, Нукус ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқувчиси Азиза Матқурбанова иккинчи, Хўжайли тиббиёт коллежи ўқувчиси Тумарис Қарлибаева учинчи ўринга муносиб деб топилди.

— Астойдил нимагадир ҳаракат қилсанг, албатта натижаси бўлади, — дейди гоиллардан бири Заҳида Шаробаева. — Қорақалпоқ халқининг урф-одат ва анъаналарини ўзида жо этган миллий кийимларим ҳақамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Қолаверса, тенгдошларимнинг тажрибаларини ўрганим, келгусида яна қандай жиҳатларга аҳамият қаратишим лозимлиги тўғрисида хулоса чиқардим.

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Ишбилармон талаба-2016" стипендияси учун кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида 45 нафар иштирокчи гоиллик учун ўзаро беллашди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 120 дан ортиқ академик лицей ва касб-хўнар коллежи ўқувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур танлов пойтахт ёшларини тадбиркорликка жалб этиш ва қобилиятларини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳсулотлар кўргазмаси ва савол-жавоблардан сўнг гоиллар аниқланди. Унга кўра, биринчи ўринга Яқсарой энгил sanoat kasb-xunar коллежи ўқувчиси Назокат Акбарова лойиқ деб топилди. Sanoat va servis kasb-xunar коллежи 2-курс ўқувчиси Сардор Саидвалиев иккинчи, Архитектура-қурилиш kasb-xunar коллежи ўқувчиси Дилшода Акбарова учинчи ўринга эгаси бўлишди.

— Биринчи ўринни кўлга киритганим, менга билдирилган ишонч, муваффақиятларимнинг дебоҳасидир, — дейди танлов гоили Назокат Акбарова. — Буюртмалар асосида гилам тўқиймиз. Шу кунга қадар 4 нафар тенгдошимни иш билан таъминладим. Келгусида иш фаолиятимни кенгайтириб, катта корхона очиш ниятидаман.

Хуллас, "Ишбилармон талаба" лойиҳаси доирасида қўллаб

истеъдод эгалари муносиб тақдирланди. Тадбирларда Ўзбекистон ёшлари ҳар соҳада улкан марраларни кўлга кирита олишини исботлашди. Ҳа, бу диёрдан қўллаб олиму фузалолар етишиб чиққан. Бугунги ёшлар эса уларнинг давомчилари, юртимизнинг келажақ эгаларидир!

Дилноза НОМОЗОВА,
"XXI asr" мухбири

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

"Йилнинг энг фаол ахборот хизмати"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот-марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча хавоаларни тақдим этган ҳолда, вазириликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг Ф.И.Ш., ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

ТАНЛОВ ОЛТИТА НОМИНАЦИЯ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:

— Йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
— Йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
— энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
— Йил кашфиёти;
— маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганини учун;
— журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ

ХУЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ:
Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг расмий сайтида қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга хавоалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга хавоалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"Йилнинг энг фаол ахборот хизмати"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот-марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча хавоаларни тақдим этган ҳолда, вазириликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг Ф.И.Ш., ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот-марказининг жорий йилдаги фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг расмий сайтида қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга хавоалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга хавоалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий

ТАНЛОВ ГОИЛЛАРИГА СОВРИНЛАР:

Гоиллар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қўлматбоҳ соғва билан тақдирланади. Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябргача "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навоий кўчаси, 30 уй, 2-қават, 45-қана манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

Баътафсил маълумоти (0-371) 244-12-51, (0-371) 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Ташкилий қўмита

РЕКЛАМА

“Агробанк” АТБ: МИЖОЗ МАНФААТИ ДОИМО УСТУН



✓ Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида иқтисодийликнинг ҳар соҳасида залворли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, иқтисодийнинг етакчи тармоқлари ҳисобланган саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжалиқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами йил сайин ортиб бораёпти. Президентимизнинг 2015 йилда қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тадбиркорликнинг янада тараққий этишига кенг йўл очиб берди. Албатта, бу жараёнда республикаимиз молия муассасаларининг ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Марказий банк томонидан мамлакатимиз иқтисодий макроеқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида изчил пул-кредит сиёсати олиб борилаётгани республикаимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва ресурслари янада мустаҳкамланиб, иқтисодий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлаёпти. Бу борада “Агробанк” акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Жорий “Соғлом она ва бола йили”да қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш, озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари, шу жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг бизнес ишланмаларини татбиқ этиш мақсадида уларга молиявий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунингдек, ҳудудлар ободлигини таъминлаш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, миқозларга қўлайлик яратиш, янги, замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда молия-банк тизимини ислоҳ этиш ва шу орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз иқтисодий тараққийини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилаётганлиги боис тижорат банклари юқори самарадорликка эришмоқдалар. Бу, албатта, дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этиляпти. “Агробанк” АТБ ҳам ана шундай ижобий ютуқларга эришиб келаётгани қувонарли. Банк мунтазам равишда халқаро “Мудис” ҳамда “Фитч Рейтингс” рейтинг агентликларини томонидан “Барқарор” дея баҳоланаётгани фикримиз исботидир.

Бундай ижобий натижалар “Агробанк” акциядорлик-тижорат банкининг минтақавий бошқарма ҳамда бўлимларининг доимо миқозлар манфаатини устуни қўйган ҳолда фаолият юритаётгани натижасидир. Масалан, банкнинг Жиззах вилоят бошқармаси бугунги кунда қарийб 10 мингга яқин миқозга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 7800 тасини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига “Агробанк”нинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан 590 тадбиркорлик субъектига 33 млрд. 547 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобига ўнлаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 200 дан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

– Автоматлаштирилган қушона ташкил этишимиз учун “Агробанк”нинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан ажратилган кредит ҳисобига 2015 йилнинг октябрь ойида хорижда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги технологиялар олиб келинди, – дейди Жиззах туманидаги чорвачиликка ихтисослашган “Чакчок” фермер хўжалиги раҳбари Зафар Ҳакимов. – Ушбу лойиҳа орқали вилоят аҳолисини сифатли гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан

бирга, автоматлаштирилган мол сўйиш линияси орқали иккиламчи гўшт, чарм-тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Корхонамиз ишга тушган, қишлоғимизда 28 та янги иш ўрни яратилиши ва 15 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Ҳозирда ускуналарни ўрнатиш якунига етиб, сўнгги монтаж ишлари олиб боришмоқда.

– Фермер хўжалигимизда ишлаб чиқарилаётган сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш лойиҳаси “Агробанк”нинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан қисқа муддатларда ўрганиб чиқилган, 2015 йилнинг октябрь ойида 100 миллион сўм кредит ажратилди, – дейди Жиззах туманидаги “Умид-Б” фермер хўжалиги бошлиги Бахтиёр Бўстонов. – Банкнинг молиявий кўмагида ташкил этилиб, 4 та янги иш ўрни яратилган цехда ҳозирги кунда суткасига 200 литр сут қайта ишланиб, бир неча турдаги сут маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилаяпти.

Вилоят ҳудудларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан банкнинг Жиззах ҳудудий филиали томонидан Зарбдор туманидаги “Бўстон марварид” МЧЖга макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун Хитойдаги ҳамкорлар билан тузилган шартномага асосан автоматлаштирилган линия сотиб олиш мақсадида ажратилган 390 млн. сўм кредит ҳисобига суткасига 20 тонна макарон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган яна бир янги корхона ишга тушди. Бунинг эвазига 12 та янги ишчи ўрни яратилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тасдиқланган йўл харитасига асосан Урта Осиёда ягона бўлган “Жиззахпластмасса” АЖ иш фаолиятини ривожлантириш, бурютамчиларнинг

полиэтилен қувурлар ва пролиэтилен маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, шунингдек, импорт ўрни босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида кенглиги 3000 мм бўлган полиэтилен плёнкалар, НД 50-250 мм ва НД 710-1200 мм бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олишга 3 млрд. 306 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Корхона раҳбари Элёр Тўрақулловнинг таъкидлашича, амалга оширилган ишлар натижасида корхонанинг иш қуввати 75 фоизга ортиб, 40 дан зиёд янги иш ўрни яратишга эришилди.

Банкнинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан 13 млрд. 306 млн. сўм микрокредит ажратилган бўлиб, банк миқозлари ушбу микрокредитлар ҳисобига ўзлари учун зарур бўлган халқ истеъмол моллари, деҳқон хўжалиқлари ташкил этиш ва ривожлантириш, боғдорчиликни йўлга қўйиш, шунингдек, жойларда аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга тушириш ва ривожлантиришга йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодий тараққийети, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган молия муассасаларига тадбиркорлару ишбилармонларнинг ишончли қозониш муҳим омили бўлмоқда. Ана шундай устувор тамойил асосида иш олиб бораётган “Агробанк” АТБ сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққийетта хизмат қилмоқда.

“Агробанк” АТБ Матбуот хизмати материаллари асосида Зиёдулла МҮМИНОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган



Стандарт ва сифат: Жаҳон бозорига йўл

✓ Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 30 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарият қисми ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Эътиборлиси, истиқлол шарофати билан воҳанинг ҳатто чекка қишлоқларидаги кичик корхоналар ҳам “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” муҳри остида ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш имконига эга бўлишаётир. Маҳсулот сифати ва унинг дунё стандарти талабларига тўла жавоб бериши ана шундай ижобий натижалар омили бўлмоқда.

Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 30 июнь - 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлганларида мамлакатимизнинг барча минтақалари сингари ушбу ҳудудларда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бераётгани, айниқса, бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва бошқа соҳалар ҳам жадал ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилоятида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулкчилик шакллари ривожлангани воҳада маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашни таъминлашда муҳим бўлган таъбирларнинг сифатини жорий этиш

ларнинг стандарт ва сифат уйғунлиги устуворлик касб этмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёрлиғида ISO 9001 стандартига кўзи тушган ишбилармон ёки харидор ҳеч иккиланмай маҳсулотларга харидор бўлаёпти.

– Қашқадарёда маҳсулот экспорти салмоғининг йил сайин ортиб боришининг сабаби, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектларида дунё эътирофига эришган ISO 9001 сифатни бошқариш тизимининг жорий этилаётганидир, – дейди “Қашқадарё саноат ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси директори Улуғбек Амиркулов. – Хукуматимизнинг “Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида марказимизнинг Сифат тизимини жорий этиш

лар қилинаёпти, – дейди У. Амиркулов. – Жорий йилнинг ўтган даври давомида вилоятимизнинг Шаҳрисабз, Китоб, Нишон, Қарши, Яққабоб, Косон, Миришкор туманларидаги 30 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларида ана шундай оммавий тадбирлар ўтказдик. Уларда 1200 га яқин тадбиркор иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тадбирларда ўз корхоналарида сифатни бошқариш тизимини жорий этган корхона вакиллари унинг афзалликлари, солиқ ва бож тўловлари, шунингдек, биржа савдоларида давлатимиз томонидан уларга берилган имтиёз ва имкониятлар хусусида гапириб бердилар. Буларнинг натижаси қисқа муддатда кўрина бошлади. Масалан, илгари бунга эътиборсиз бўлган ишбилармонлар имтиёз ва имкониятлар, қолаверса, жаҳон бозорига мазкур тизимни ўз корхоналарида жорий этган тадбиркорлар билан мулоқотда, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўладиган муносабатдан хабардор бўлишга, мазкур тизимни жорий этиш истагида бўлишмоқда. Натижада йирик ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхоналари, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бораёпти. Сабаби – экспорт қилинаётган маҳсулот ёрлиғида ISO 9001 нинг бўлиши жаҳон бозорига маҳсулот харидорлигини таъминлашнинг гарови бўлаёпти. Марказимиз мутахассислари 2016 йил давомида вилоятнинг 31 та корхонасида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш устида иш олиб боришмоқда. Булардан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса, маҳсулотлар учун белгиланган стандарт талабларини бажарган ҳолда, сифатни таъминлаш ҳамда ички ва ташқи бозорга фақат сифатли маҳсулот етказиб берилишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Насиба МҮМИНОВА

Хизматлар лицензияланган

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида қўшимча иш ўринлари яратилиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

Ташаббускор, саховатли тадбиркор

Бугун жамиятимизнинг барча тармоқларида бўлгани сингари тадбиркорлик соҳасида, хусусан, хизмат кўрсатиш йўналишларида ҳам аҳолига қўлайлиқлар яратиш мақсадида янгидан-янги корхоналар ташкил этилмоқда.

“BAHODIR – BAXROM GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамияти ҳам тадбиркорларга яратилган имконият ва шартлардан оқилона фойдаланиб келаётди. Янги иш ўринларини яратиш, фаолиятга янги технологияларни жорий этиш, ишчи ходимлар маъласини ошириш каби омиллар корхона эришаётган муваффақиятларнинг бош омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, корхона 2013 йилда ташкил этилган. Асосий фаолияти автоуловларга техник хизмат кўрсатиш ва уларга ўрнатилган газ баллонларни навбатдаги синовдан ўтказишдир. У ерда 15 нафар ишчи миқозларга хизмат кўрсатади.

– Президентимизнинг “Маврани ҳаммisha балад олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бундан қўйиб қўйма” деган гаплари биз каби ёшларни янги марралар сари руҳлантирмоқда, – дейди корхона раҳбари Баҳром Баҳодиров. – Юртбошимизнинг ана шу далдаси билан қўллаб-қувватлашимиз илм-фан, маданият, санъат, спорт ва тадбиркорлик соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Юртимиз довуруғини дунёга танитмоқда. Мен ҳам ана шундай ёшлар сафида эканимдан фахрланаман.

“BAHODIR – BAXROM GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамият ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида филиалларини очини мақсад қилган. Натижада эса икки юздан зиёд киши иш билан таъминланади. Бундан ташқари, мазкур жамият Янгиёул туманидан қўшимча ер олиб, ёрдамчи хўжаликни барпо этишни ҳам режалаштирган. Бу йўлда банкдан чорва кредити олинди. Баҳром Баҳодировнинг айтишича, 200 дан зиёд ишчи ўринларининг яратилишига замин бўлди.

– Биз фақат фойда ортидан қуваттанганимиз йўқ, – дейди жамият раҳбари. – Саховатли халқимизга хос бўлган савоб ишларни ҳам баҳоли қудрат амалга оширяймиз. Жумладан, Олмazor туманидаги маҳалларда яшовчи кам таъминланган аҳоли, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий-маънавий кўмак бериб келяймиз. Жорий йил дастурига мувофиқ шифохона, боғча ва мактабларнинг автоуловларига бепул хизмат кўрсатаямиз.

– Бу дунёда фақатгина яхшилик қолар экан. Отам раҳматли менга “Ўғлим, меҳнатдан қочма, элнинг қорига ярагин, халқнинг дуосини олгин, Ватанини сев, кам бўлмайсан!” дея ўқитар эдилар. У кишининг ўғилларига амал қилиб, ютуқлар ўз-ўзидан бўлмастлигини англадим. Юртимизда ёшларга берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш баробарида, Ватанга содиқ фарзанд бўла олишдек шарафли бурчини ҳам унутмаслик лозимлигини доимо ёдда тутаман. Зеро, яхшиликнинг меваси тотлидир.

Шодиёр ИСМАТ ўғли, “XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган

СЎНГГИ САҲИФА

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос

...Оддий ҳақиқат шуки, кимлардир айнан йиллар, асрлар мобайнида юксак мавқени эгаллаб олгани боис кам меҳнат сарфлаб, кўп моддий даромад топади, кимлардир кечани кеча, кундузни кундуз демай елиб-югуриб ҳам тириклик қозонини зўрга қайнатиб юраверади. Бозор – шафқатсиз. Унинг ёзилмаган бир “темир” қонуни шуки, пулдор – пулсизни, илмли – билимсизни, тадбиркор – тадбирсиз кишини бозордан сиқиб чиқаради.

Шу сабаб ҳам бутун жамият, ҳар бир фуқаро тадбиркор бўлишга интилиши шарт.

Тадбиркорлик – ҳам кенг, ҳам дақиқ тушунча.

Кенглиги шуки, биз расман рўйхатдан ўтиб, корхона ёки ташкилот очиб ишлаётганларининг тадбиркор санасак, хато қиламиз. Модомки, бозор иқтисодиётини жорий этаётган ва ривожланган давлатлар сафидан ўрин олмоқни ният қилган эканмиз, ҳамма ўз соҳаси, фаолияти, турмуш тарзида тадбиркор бўлиши лозим. Зеро, оддий фарошдан тортиб, академиккача тадбирсизни ҳам, тадбиркори ҳам бор.

Дақиқлиги шуки, содда қилиб тушунтириладиган бўлса, бир ишни бажариш учун ким кўп вақт ва маблағ сарфласа, у тадбирсиз; ким кам вақт ва маблағ сарфлаб ана шундай натижага эришса, у – тадбиркор.

Тевараққа разм солинг-а, ҳар қадамда тадбиркорликка эҳтиёж бор. Ҳаётнинг ўзи шунга талаб қилиб турибди.

Бухоронинг Ромитан туманида етти наҳқбандий пирнинг бири – Хожя Али Ромитаний билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳ бор. Ёзининг чилласида шу муқаддас маконда юртимизнинг ҳамма ерида қўлласа бўладиган камтаргина бир тадбиркорликка гувоҳ бўлдим. Хожя Али Ромитаний қадамжосига кираверишда ўнг қўлда хурмо кўчати экилган экан. Ниҳол бошига осма уқол қилишда қўлланиладиган усқуна осилган. Дори ўрнига “кока-кола” идишига сув

тўлдириб қўйилган. “Бу усулда кўчат томчилаб суғорилади. Шундай қилмасак, кўкариб кетиши қийин кечяпти. Чунки бизда ёз жуда иссиқ, Саратонда қуриб қоляпти. Охири шу йўлни топдик. Кундузлари иккинчи тезликка қўяман, кечалари эса биринчи тезлик ҳам кифоя”, дейди қадамжо мутаассадиларидан бири.

Ўзбекистонда тадбиркорликни қайта-бошдан йўлга қўйишга тўғри келди. Ахир, шўро даврида ота-онамиз ҳеч биримизни тадбиркор бўлишга ундаб тарбияламаган, негаки, бойлар синф сифатида тугатилган, хусусий мулкка эгалик қилиб, сарватманд бўлиш тақиқланган эди-да.

Марҳум устозимиз профессор Ғайбулла ас-Салом истиқлол йилларида мамлакатимизда бошланиб кетган тадбиркорлик ҳаракатларидан қувониб, “Агар шўро замони хусусий мулк ва тадбиркорликка қарши қақшатқич кураш бошлаганида, ким билади дейсиз, бугунга келиб каминанинг авлодидан қай биридир Хатирчида йирик совун заводи қурган бўлар-миди, чунки аждодларимиз совунгар ўтган”, деган эди.

Каминанинг ҳам она тарафдан уруғлари ана шундай тадбиркор бўлган. Улар ишлаб чиқариш ва савдо-тижорат билан шугулланган. Чўлдаги чорвадордан мол сотиб олиб, қас-собга сотган. Қассобдан тери олиб, чармгарга сотган. Чармгардан чарм харид қилиб маҳсидўзга пуллаган. Маҳсидўздан маҳси олиб, истеъмолчига сотган. Хуллас, хомашёни ҳам ўзи сотган, тайёр маҳсулотни ҳам. Шу тариқа тижорат ривожига ҳисса қўшган.

...Тадбиркор дегани – жонсарақ, елиб-югурадиган, кунда изланадиган одам дегани. Сабаби – бу соҳа вакили ҳар қачон таваккал қилади: фойда олиш эҳтимоли қанча бўлса, зарар кўриш эҳтимоли ҳам шунча! У таваккал билан боғлиқ хавф-хатарни камайтириш учун илми ва малакали бўлиши даркор. Бугунги ишбилармон ўз фаолият йўналиши бўйича ҳар бир янгиликдан воқиф бўлиб боради. Компьютерда ишламайдиган, интернетдан фойдаланмайдиган одам эндиликда тадбиркор бўлиши душвор. Компьютер ва интернет орқали ишлашга ўтишнинг ўзи ҳам кишидан тадбиркорлик талаб қилади.



Хўжалик совуни:

Зарари йўқ, фойдаси кўп!

БИЛАМИЗМИ?

Жигарранг хўжалик совуни энг янги кимёвий тозалаш воситаларидан кўп афзал жиҳатлари билан ажралиб туради. Жуда арзон, лекин бир қатор фойдали хусусиятлари тўғрисида айрим сирларини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК

Хусусан, энгил шилинган яра-чақаларга суртсангиз, инфекция тушиш хавфи кескин камайиб, яранинг битиши тезроқ кечади.

Шунингдек, лат еган жойга дарҳол муз қўйиш зарурлигини биламиз, унинг ўрнига совун суртсангиз, кўкариш ва шилишнинг олдини олади.

Хўжалик совуни вирусга қарши энг яхши воситадир. Тумов ва грипп бошланганда пахтани совун қўйқасига ботириб, бурун ичи артиради. Бу усулдан профилактика учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Йирингли ярага хўжалик совуни, пилё ва шакарнинг тенг миқдордаги аралашмасини суртаман (пилё ва совун қирғичдан ўтказилади). Бу суртмани кечаси боғлаб қўйган маъқул. эрталаб йирингдан асар ҳам қолмайди.

Замбуруғ касалликларидан эса оёқ хўжалик совунида ишқалаб ювилади ва яхшилаб қуритилгандан сўнг йод сурти-

лади. Энгил ҳолатларда бир ҳафта давомида эрталаб ва кечкурун оёқларни ювиш кифоя қилади.

Унинг шахсий гигиена воситалари (тиш чўткаси, тароқ) учун энг яхши дезинфекция вази фасини бажаришини биламизми? Керакли буюмга кечкурун совун суртиб қўйинг, эрталаб эса яхшилаб ювиб ташланг. Мутахассислар бундай муолажани кўпи билан 3 ойда ўқазини маслаҳат берадилар.

Сочингизни 1 ойда 2 марта хўжалик совуни билан ювиб, сирка ёки лимон шарбати билан чайсангиз улар қалинлашиб, тўкилиши камайди, қазғоқдан ҳам халос бўласиз.

Юздаги қизариш ва хунбузарларга қарши синалган восита: совунни майда қирғичдан ўтказиб, қуюқ кўпик ҳолатига чўқиртириб, тенг миқдорда йирик туз қўшамиз. Аралашмани тоза юз терисига 30 дақиқага суртиб қўямиз. Шундан сўнг аввал иссиқ сувда, кейин совуқ сувда яхшилаб ювамиз. Натижа шу ондаёқ кўрилади. Даволаш курси кунига 2 маҳал 2 ҳафтани ташкил қилади. Бундай муолажа

ўта қуруқ терига тавсия этилмайди. Товоқдаги ёриқлар битиши учун бир неча кун давомида 2 литр сув, бир чой қошиқ сода, бир ош қошиқ майдаланган хўжалик совуни аралаштириб ванна қиламиз.

ТОЗАЛАЙМИЗ ВА ЮВАМИЗ

Хўжалик совунининг фойдаси шундаки, у табиий, хавфсиз ва гипоаллергендир. Буюмларни кир ювиш машинасига солишдан аввал доғ теккан жойларига хўжалик совуни суртиб қўйилса, кир ювиш кўкунига ҳам ҳолат қолмайди. Кийимларингиз тоза ва юмшоқ қўрийд.

“Кир совун” идиш товоқ ювишда қулай бўлиб, уларни совуқ сувда ҳам яхши тозалайди. Бу, айниқса, дала ҳовлига чиққанда кўл келади, тозалашдан қолган совунни бемалол томорқага тўкиш мумкин, у ўсимликларга зарар етказмайди.

ИЗОҲ: Муолажаларни қабул қилишдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Умида ХУДОЙНАЗАРОВА
тайёрлади.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Халқаро ҳамкорлик масалалари бўлими мудир

Азамат Сеитовга падари бузруквори

Пўлат отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

Тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерлар диққатига!

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Давлат Солиқ қўмитаси, Марказий банк, етакчи тижорат банклари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида

“Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига кредитлар ажратилиши борасидаги муаммолар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар билан ўртоқлашуш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари экспорти бўйича амалий ёрдам кўрсатиш” мавзусида ОЧИҚ МУЛОҚОТ ўтказилади.

Мулоқотга Адлия вазирлиги, Марказий Банк, Бош прокуратура, Олий ҳўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент вилоятининг Чиноз, Янгийўл ва Зангиота туманлари Давлат солиқ инспекцияси бўлимлари вакиллари таклиф этилган. Юзма-юз мулоқотда бевосита қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган ва ўйлантираётган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Очиқ мулоқот 2016 йил 29 июлда “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 15:00 да бошланади.

Саволлар қўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:
(0-371) 215-60-45, 255-68-50, 215-63-80 (+998 95) 194-83-95, 194-83-96.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси

қуйида келтирилган баннер чоп этиш бўйича танлов ўтказмоқда:

Баннер (300 гр. Корея Starflex, босма печат, ўлчамлари 300x600 см. люверслар ораси 15 см.) – 242 дона

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(0-371) 254-04-69, (0-371) 281-49-67

Реклама



2016 йил 22 июлда

Fitch Ratings

халқаро
рейтинг агентлиги

“Асака”
акциядорлик
тижорат банкининг

халқаро кредит рейтингини
кўтарди ва истиқболини

“БАРҚАРОР”
деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR


Бош муҳаррир: Норкобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Соҳибжон ТУРДИЕВ Қувондиқ САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тўлқун ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Алхам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Ихбол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz



Телефонлар:

қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Ўзбекистон” НМУН босмаханасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: S 6592 Тираж: 8688
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 21:30

Таҳрират келган қўймақлар такрир
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нукта
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират
жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сарфаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Навбатчи муҳаррир:
Ақбар МУҲАММАДОВ